



# МАЬНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙҮЛИДА

# МАЊАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



ТОШКЕНТ «МАЊАВИЯТ» 2008

Ушбу тўпламдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобининг маъно-мазмуни, унда илгари сурилган ғоя ва қарашлар, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, шунингдек, жамиятимиз маънавиятини асрар-авайлаш ва юксалтириш, халқимизни, айниқса ёш авлодни турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида ана шу асардан келиб чиқадиган энг муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида таниқли олимлар, файласуфлар, ижодкор зиёлилар, журналистлар томонидан ёзилган мақола ва шарҳлар ўрин олган.

Тўплам «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобини ўрганиш бўйича асосий илмий-методологик манба бўлиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва профессорлари, илмий тадқиқотчилар, талаба ёшлар, кенг китобхонлар жамоатчилиги учун мўлжалланган.

M 4702620204-28  
M25(04)-08

ISBN 978-9943-04-077-9

© «Маънавият», 2008

## ГЛОБАЛ ЖАРАЁНЛАР ВА МАЬНАВИЯТ

Бугун биз яшаётган XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги ҳам ўтиб бормоқда. Янги асрнинг моҳияти ва қиёфаси ҳақида турлича қарашлар мавжуд. «**Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна бирор ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда...** Аммо кўпчиликнинг онгидаги бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда»<sup>1</sup>.

Глобаллашув – инсоннинг онгу шуури, тафаккури самараси сифатида вужудга келган жаҳон миқёсидаги умумий жараён, таъбир жоиз бўлса, инсоният бошидаги яна бир синов. Қадимда одамзот эзгуликка интилиб, боғ-роғлар, шаҳарлар, бекиёс меъморий обидаларни бунёд этгани, ёвузлик йўлини Искандар девори сингари воситалар билан тўсгани маълум. Тарихий тараққиёт давомида яхлит жаҳон турли иқлим ва минтақаларга, қитъа ва давлатларга ажralди. Лекин XXI асрга келиб чегара ва худудларни, тузумларни тан олмайдиган, узлуксиз кучайиб бораётган глобаллашув жараёни

<sup>1</sup> Ислом Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т., «Маънавият», 2008, 110-бет.

дунё аҳлини ўйга толдирмоқда, бу ҳақда ер юзининг турли бурчакларида ранг-баранг фикрлар билдирилмоқда. Шу маънода, айтиш мумкинки, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби аввало Ўзбекистон халқига мўлжалланган бўлса-да, бутун инсоният тақдирига куюниб ёзилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Китобнинг икки фазилати айниқса қўзга яққол ташланади. Биринчидан, бу асар кенг қамровли, чуқур фалсафий ва ҳаётий маъноси билан китобхоннинг дикқатини ўзига тортади. Асар катта ҳаёт бўсагасидаги ёш китобхонни ҳам, бой тажрибага эга сиёsatдону иқтисодчини, файласуфу руҳшуносни, ҳукуқшуносу тадбиркорни ҳам, барчанинг дикқатини бирдек ўзига жалб этади.

Иккинчидан, китоб изчил қиёсий услубда битилган. Муаллиф ўтмиш ва ҳозирги кунни; шўро замонидаги ҳаётни ва мустақиллик даврини; аждодлар ва авлодлар ўртасидаги анъаналарни; эзгулик ва қабоҳатни; диний ва дунёвий қарашни; илмий салоҳият ва юксак маънавиятни изчил қиёслаб боради. Асада назарий қарашлар билан ҳаётий мисоллар ўртасида ажиб бир мувозанат уйғунлигига эришилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Китобнинг муқаддимасида Шарқ ва Фарб кишисининг асосий хусусиятлари аниқ тасвиirlан-

ган: «...Шарқ оламида, жумладан, ўзимизнинг Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси фоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўллаб-кувватлаб ҳаёт кечиришга замин туғдиради... Фарб оламида эса одамларнинг ҳаёт тарзида жамоавийликдан кўра индивидуализм, шахсий манфаат тамойиллари устунлик қилишини кузатамиз. Бу ҳам муайян объектив, ижтимоий-тарихий омиллар туфайли шаклланган воқелик бўлиб, уни ҳам инкор этиб бўлмайди» (7–8- ва 10-бетлар).

Муаллиф нима ҳақида, ким тўғрисида фикр юритмасин, зинҳор узил-кесил хulosса билдirmайди: хulosса чиқаришни зукко китобхоннинг ўзига ҳавола қиласи. Бугунги кунда дунёдаги айрим қудратли давлатлар ўз миллий манфаатларни амалга оширишда глобаллашув жараёнидан устомонлик билан фойдаланиб қолишга уринмоқда. Бу манфаатларнинг шакли, кўриниши, соҳаси, йўналиши турлича. Китоб муаллифи, буни чуқур ҳис этган ҳолда, фикрга қарши фикр, фояга қарши фоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлигини уқтиради. Айни пайтда ҳар бир халқ, миллат глобаллашув жараёнига киришар экан, аввало сиёсий, мафкуравий, иқтисодий тажовузлардан ўзини ҳимоя қилиши, иккинчидан, бу ҳаракат моҳиятига ўзининг илғор қарашлари, миллий удумлари, юк-

сак маънавиятини сингдириб бориши зарурлигини тъкидлайди.

Асарда узоқни ўйлаб яшаш, халқ ва келажак олдидаги масъулият масаласига алоҳида урғу берилади. Айниқса, мана бу фикрлар эътиборга сазовор: «...**Қайси давлат бизга қанча ва қандай шартлар билан сармоя ва қарз беради?** Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бирордан қарз олиб, кейин унинг сиртмоғига тушиб қолмаймизми? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?.. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Биз ҳозир хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу катта гуноҳ бўлади» (104-бет).

Бугунги кунда ён-атрофимизда, минтақамиздаги айрим мамлакатларда рўй бераётган иқтисодий-молиявий вазиятни эътиборга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг замиридаги ҳаётий ҳақиқат яққол аён бўлади.

Китобда замонавий тараққиётга асосланган турмуш тарзининг қадимий анъаналаримиз билан узвий боғланиб кетадиган жиҳатлари атрофлича ёритиб берилади. Жамоа ва жамоавийликнинг энг юксак кўриниши бу – маҳалла. Маҳалла тушунчаси халқимизнинг руҳига, онгу шуриига сингиб кетган. Ота-боболаримиз бежиз

«Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла», демаган. Маҳалла – катта, аҳил оила. Одамнинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам маҳалла керак. Маҳалла оқсоқоли кўпни кўрган, бағрикенг, кўзи тўқ, холис ва адолатли шахс бўлиши зарур.

Эски тузум даврида беписанд қараб келинган, унутилаёзган ана шундай гўзал қадриятларимиз мустақиллик йилларида қайта тикланди. Жумладан, маҳалланинг ҳуқуқий мақоми белгиланиб, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи оширилди. Китобда маҳалла тушунчасининг тарихимизда биринчи бор Конституциямизда ўз ифодасини топгани фахр билан таъкидлаб ўтилади.

Ушбу асарда диний қадриятлар, буюк зотлар, муқаддас китоблар, асрий удумлар қанчалик улуғланса, ҳозирги кунда дин ниқобидаги қўпорувчилик, тажовузга қарши узлуксиз, жиддий кураш олиб бориш зарурлиги ҳам такрор-такрор уқтирилади. Ёш авлод чукур англаб олиши лозимки, биз диний, дунёвий, миллий қадриятларимиздан зинҳор воз кечмаймиз. Айни вақтда биз демократик давлат барпо қиляпмиз. Демакки, интилишларимизнинг қамрови кенг, улар эзгу ва улуғ мақсадларга қаратилган. Китобда бу масала алоҳида таъкид билан тилга олиниади: **«Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу**

**масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазиик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин» (113-бет).**

Шунингдек, асарда маънавиятнинг инсоний негизини ташкил қиласиган тушунчалар кенг талқин ва таҳлил қилинади. Мехр-оқибат, меҳрмурувват, меҳр-муҳаббат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф сингари эзгу фазилатлардан юксак маънавият пайдо бўлади. Инсон қалби ниҳоятда нозик: у доимий эътибор, парваришни талаб қиласиди. Ўзбек халқи болам деб яшайди, жигарбандига ҳамиша меҳр-муҳаббат кўрсатади. «Куш уясида кўрганини қиласиди», деган гап бор. Ота-она меҳрини кўрган фарзанд ўз авлодига яна ҳам меҳрибон бўлади. Диний ва дунёвий адабиётларда ота-онани эъзозлаган, фарзандига яхшиликни кунт билан ўргатган зотлар ҳақида кўп ибратли гаплар битилгани бежиз эмас.

Муаллиф ўз китобида лоқайдлик, нопоклик, худбинлик, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, сотқинлик каби ярамас иллатлар ҳақида куйибённиб ёзади, ўкувчини улардан огоҳ бўлишга ундейди. Барчамизга маълумки, лоқайд одам на куяди, на ёнади, на елади, на югуради. Аммо кўпчилик бирон натижага эришса, уялмай-нет-

май шу неъматдан биринчи бўлиб фойдаланишга уринади. Ҳолбуки, ҳар бир инсон ўз вазифасини сидқидилдан бажарса, нафақат ўз манфаатига, айни пайтда умумий мақсадга эришиш учун фаоллик ва фидойилик кўрсатса, ҳаётдаги кўпгина муаммолар тезроқ ечим топган бўларди.

Китобда ҳаётда учраб турадиган айрим салбий одатлар, жумладан, сотқинлик энг ёмон иллат сифатида кескин қораланади.

Муаллиф бу ҳақда фикр юритар экан, ҳаётдаги кўпгина нохушликлар айнан сотқинлик туфайли юз беришини таъкидлайди: «**Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам қўрқинчлидир. Табиатида сотқинлик хусусияти бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боис бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз, уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозим**» (122-бет).

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида ўлмас илмий, диний асарлар ҳақида ҳам самимий фикрлар айтилади. Муаллиф оламга машҳур аждодларимиз ҳақида қандай тўлқинланиб гапирган бўлса, XX асрда етишиб чиққан буюк олим, адеб ва санъаткорларимиз ҳақида ҳам

шундай фуур билан сўз юритади: «Гап шундаки, тарихимизда бундай беназир сиймоларнинг мавжудлиги – такроран айтишга тўғри келади – ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ҳодисадир. Бу эса нафақат бугунги, айни пайтда эртанги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар» (50-бет).

Маълумки, маънавият илм-фан, маданият, адабиёт, санъат билан узвий боғлик, улар билан ўзаро муштарак тушунчадир. Айниқса, Шарқда илм, санъат ва адабиётни маънавиятдан, иймону эътиқоддан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Узоқ ва яқин тарихимизда яшаб ўтган қанчадан-қанча улуф зотлар (китобда улар ҳақида батафсил сўз юритилган) учун ўз ҳаётий принципларига садоқат ҳар нарсадан устун бўлгани мазкур асарда ибрат тариқасида кенг талқин қилинган. Жумладан, муаллиф уч ёрқин сиймо – академик Яҳё Фуломов, ҳассос шоирамиз Зулфия, адабиётшунос Озод Шарафиддинов ҳақида катта ҳурмат ва эҳтиром билан алоҳида тўхталади.

Машхур археолог Яҳё Фуломов фанимиз даргаларидан бири эди. Нафақат қадимшунослар, тарихчилар, балки фаннинг бошқа соҳа вакиллари ҳам бу донишманд инсонга тортинмасдан, юракларини очиб сўзлай олар эдилар.

Собиқ шүролар даврида юртимизга фақат пахта етиштириб берадиган бир ўлка сифатида қаралгани, маънавий ва маданий бойликларимиз оёқости қилиб топталганини ўша оғир кунларга гувоҳ бўлганлар яхши эслайди. У замоннинг талаби бошқача, ҳаммаёқ пахта, пахта ва яна пахта бўлиши керак эди. Ўша вақтларда Фарфона водийси туманларидан бирида бўлганимда, райком секретарининг «Нега мана бу ерга пахта экилмади? Очиқ қолиб кетибди-ку!» дея бўйрадек бўш ерни кўрсатиб, бригадирга дафдаға қилганини эшитганман. Пахта масаласида сиёsat шунаقا эди. Аҳвол шу даражага бориб етган эдик, ҳатто археологик ёдгорлик ҳисобланмиш қадимий тепаликлар устига ҳам пахта экмоқчи бўлишади. Шунда жасур олим Яҳё Фуломов, «Йўқ, мумкин эмас, халқнинг тарихи, ўтмишимиз ётибди бу ерда», дея бундай номаъкул кампаниябозликка мардона қарши чиқади ва шу ҳаракатлари, ўзининг ҳаётий ва илмий қарашларида собит тургани учун турли тазийкларни бошидан кечиради.

Муаллиф аллома ватандошимизнинг бу борадаги маънавий жасоратини юксак қадрлаб, жумладан, қуйидагиларни ёзади: **«Мен ўйлайманки,adolatни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятни ҳис этадиган, ҳақиқий ватанпарвар одамгина шундай мардликка қодир бўлади»** (166-бет).

Китобда ўзбек халқининг фидойи фарзандларидан яна бири, атоқли шоира Зулфияхоним ҳақида ҳам эҳтиром билан сўз юритилади. Баъзан, Зулфия дунё кезган, умрини роҳат-фароғатда ўтказган, деб юзаки фикрлайдиган одамлар ҳам учраб қолади. Йўқ, ҳассос шоирамизнинг юрагида ҳеч кимга ошкор этилмаган оғир дардлар, зилдек армонлар бор эди. Зулфия опа босиқ, сипо, иболи, тўгри сўзли инсон сифатида хотирамизда қолган. Мустақилликни қувонч билан кутиб олган шоира, «**Хуррият, келдингей, ал-омон келдинг, Сени қалбим, кўзим, сўзларим қучар**», дея қалbidаги қат-қат армонларни «Хотирам синиқлари» достони сатрларига жойлади.

**«Мен билган ва хурмат қиласиган маънавий жасорат соҳибларидан яна бири атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов эди» (167-бет),** дейилади китобда. Биз – шогирдлари Озод акани олим сифатида, кўп жисмоний азобларни бошидан кечирган одам сифатида яхши биламиз. Ҳаётининг аксарият қисми шифокорлар назоратида, оғир муолажалар остида ўтган жасоратли олим шу аҳволда ҳам мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Шу аҳволда «Жаҳон адабиёти» журналининг юзта сонини чиқарди, матбуотда кўплаб чиқишлиар қилди, жаҳон адабиётининг дурдона асарларини она тилимизга

юксак маҳорат билан таржима қилди, ўнга яқин салмоқли китоб ёзди. Мамлакатимиз раҳбари бу фидойи инсонга ҳамиша эътиборли бўлди, қийин дамларда ундан ёрдамини аямади.

Ёдимда, 2002 йилнинг 5 декабри. Пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Конституцияси куни нишонланаётган эди. Юртбошимиз ногиронлар аравачасида ўтирган Озод Шарафиддиновга алоҳида эҳтиром кўрсатиб: «**Биродарлар, залда қаҳрамонимиз Озод ака ўтирибдилар. Келинг, у кишини бир олқишлийлик**», деганида ҳамма оёқقا қалқиб, устозни қизғин олқишилаган эди.

Дарҳақиқат, бу мунаvvар инсонни Ўзбекистон Президенти олим, мураббий, матонатли сиймо сифатида улуғлади. Бу давлатимиз раҳбарининг бир умр илм йўлида заҳмат чеккан, ҳаётининг сўнгги дақиқасигача маънавий жасорат кўрсатиб яшаган инсонга нисбатан самимий меҳри, юксак эътибор ва эҳтиромининг ёрқин ифодаси эди.

Китобда ҳозирги ўзбек адабиёти, санъати ҳақида ҳам янги ва теран фикрлар айтилган. Шахсан мен муаллифнинг ҳозирги монументал санъат – ҳайкалтарошлик ҳақидаги фикрларини катта қизиқиш билан мароқланиб ўқидим.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман. Маълумки, мустақилликка эришганимиздан кейин Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда

Амир Темур бобомизга муazzам ҳайкаллар ўрнатилди. Жумладан, Тошкент шаҳрининг марказида ўрнатилажак ҳайкалнинг дастлабки лойиҳасида Соҳибқирон қўлида найза тутган ҳолда тасвирланган экан.

Муҳокама чоғида Юртбошимиз Амир Темур қўлида найза эмас, отнинг жиловини ушлаб турса, мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида ўз фикрини билдиради. Чунки жилов – бу салтанат тизгини. Найзани ҳамма кўтариши мумкин. Лекин салтанат тизгинини қўлда маҳкам тутиб туриш учун Амир Темурдек буюк ирода, азму шижаот соҳиби бўлиши керак. Қаранг, қандай теран фалсафа.

Китобда, шунингдек, заргарона сайқал берилган Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия сингари алломаларимиз, ёзувчи ва шоирларимиз ҳайкаллари, Термиз шаҳридаги Алпомиш, Қарши шаҳридаги «Эл-юрт таянчи» ва бошқа ўнлаб монументал асарларнинг яратилиш тарихи ҳақида, умуман, мустақиллик давридаги монументал санъат ривожи хусусида жуда муҳим ва ибратли фикрлар баён қилинади.

Маълумки, Юртбошимизнинг деярли ҳар бир чиқишида, маъруза ва сухбатида ёшларга юксак эътибор ёрқин акс этиб туради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу китоб ҳам юр-

тимиз ёшларига нисбатан меҳр, уларнинг бугунги ва эртанги тақдири учун куйиниш ҳисси билан йўғрилган. Шу маънода, китоб юртимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган, барчамизниң умид ва ишончимиз бўлган навқирон ёшларимиз учун мураккаб ҳаёт йулларида дастуриламал бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби айнан биз кутган китобдир. У бугунги ўта долзарб муаммоларни ўртага қўйган ва уларни бутун мураккаблиги билан ёритиб берган фундаментал асар сифатида нафакат ўзбек ўқувчилари, балки бошқа мамлакатлардаги маърифатли, соғлом фикрлайдиган кўплаб инсонларнинг диққат-эътиборини ҳам ўзига тортади, уларни ўйлантираётган, ташвишга solaётган турли саволларга атрофлича жавоб топишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Абдуғафур РАСУЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

## **«ЎЗБЕК МЎҶИЗАСИ»НИНГ ЕНГИЛМАС КУЧИ**

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби нега айнан шундай деб аталган? Нима учун замонавий қурол-яроглар, моддий ёки молиявий ресурслар эмас, айнан маънавият енгилмас куч, деб аталмоқда?

Яширишнинг ҳожати йўқ, ён-атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, айрим мамлакатлар углеводород хомашёси ёки бошқа қазилма бойликларни сотиш эвазига орттираётган мўмай даромади ҳисобидан жаҳондаги етакчи давлатлар қаторига чиқиши, иқтисодий кўрсаткичларини оширишга уринаётганини кўрамиз. Ёки яна бир қатор мамлакатлар ҳарбий кучга зўр бериб, ўзининг қудратини намойиш этишга ҳаракат қилмоқда. Бу китобда эса маънавиятнинг ана шу омиллардан ҳам кўра қудратлироқ экани асослаб берилади. Чунки моддий ва молиявий ресурслар техник ва технологик имкониятларни кучайтириши мумкин. Лекин маънавият ана шу техника ва технологияларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган инсонга бекиёс куч беради, унинг нафақат вужудини, балки ҳар бир ҳужайрасини

Эзгулик ҳимоясида мустаҳкам туралиган құдратли күчге айлантиради.

Албатта, ҳозирги технологик тараққиёт замонида моддий ва молиявий ресурслар ҳам, ҳарбий құдрат ҳам керак, буни ҳеч ким инкор этмайди. Бу борада Ўзбекистон ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам. Лекин ана шу техник ва технологик салоҳиятни халқ ва Ватан манфаатига хизмат қилдириш, инсонийлик йўлида сафарбар этиш учун аввало нима керак? Аввалин, интеллектуал салоҳият, замонавий билим ва тажриба, ирода ва қатъият, муҳтасар айтганда, маънавият керак.

Бу китобни саҳифама-еаҳифа ўқиган сари одам «Юксак маънавият – енгилмас куч» деган сўзлар замиридаги ана шундай улкан ҳақиқатни ўз қалбидан, юрагидан ўтказгандек бўлади.

Айниқса, китобда маънавият тушунчасига берилган таърифда бу фикрлар жуда чукур ва ба-тағсил ўз ифодасини топган: «**Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, вижденини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир**» (19-бет).

Ўзингиз айтинг, дўстлар, руҳи пок, иродаси бақувват, иймони бутун, виждени уйғоқ одамини енгиб бўладими? Ана шундай фазилатларга эга бўлган бутун бир халқни-чи!

учун ҳам муаллиф маънавият тимсолида инсон, жамият ва давлат учун енгилмас куч манбанини кўради ва бу қарашни илмий-фалсафий асосда исботлаб беради.

Табиийки, бутун бир ҳалқ ёки мамлакат ижтимоий-маънавий тараққиётининг стратегик йўналишларини, бу борадаги долзарб мақсад ва вазифаларни белгилаб, инсон ва унинг маънавий оламига хос белги ва хусусиятларни янгича қарашлар негизида ёритиб берадиган бундай китоблар бир-икки йилда яратилмайди. Ўзининг маъно-мазмуни, мавзуси ва кўтарилиган муаммоларнинг қамрови, йўналишига кўра ноёб бўлган бундай асарлар нафақат муаллифнинг, балки у мансуб бўлган ҳалқ ва миллатнинг кўп йиллар давомидаги ҳаётий, ижтимоий-сиёсий тажрибалири, жаҳонда содир бўлаётган воқеаларнинг таҳлили заминида яратилиши шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан муаллифнинг китоб муқаддимасида унинг дунёга келишига сабаб бўлган 5 та муҳим омил ҳақидаги фикрлари эътиборга сазовордир.

*Биринчидан*, китоб инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга эканини кўрсатиш;

*иккинчидан*, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш;

*учинчидан*, ҳалқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва

таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш;

*тўртингидан*, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш;

*бешинчидан*, келажак авлодимизни маънавий соғлом этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келган (16-бет).

Бу асарда халқимизнинг маънавий юксалишига оид бир қанча янги фоя ва қарашлар баён этилган. Лекин халқнинг, жамиятнинг келажаги унинг маънавиятига боғлиқ, деган фикр ўзак фоя сифатида китобнинг асосий йўналиши ва мазмунини белгилаб беради, десак, хато қилмаган бўламиз.

**Китоб «ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб»** деган ўта муҳим фикр билан бошланади. Айтиш мумкинки, бу сўзларда ҳам тарихий, ҳам замонавий жиҳатдан теран маъно мужассам топган.

Маълумки, эски тузум даврида бизга нисбатан «Сен ўйлама, сен учун бошқалар ўйлайди, сен пахтангни бил», деган файриинсоний муносабат мавжуд эди. Эл-юртимизнинг кўзлари боғланган, онги ва руҳи қарам қилинган эди. Энди ўзимиз қарор қилиб, ўзимиз амалга ошириш, ўз ақлимиз, куч ва имкониятимиз билан ўз ҳаётимизни қуриш, мустақил сиёsat юритиш ҳукуқига эгамиз. Айни пайтда бундай улуғвор ишларнинг масъулияти ҳам ўз зиммамизда. Та-

бийики, бундай эркин ва озод ҳаёт, бундай им-  
кониятлар халқимизнинг вужудида мудраб ётган,  
неча-неча аждодлардан ўтиб келаётган кучни  
уйғотиб юборди. Босиб ўтган 17 йиллик тарақ-  
қиёт йўлимиз бунинг яққол исботи бўла олади.

Бугунги кунда маънавият тушунчаси инсон билан боғлиқ бошқа тушунчалар билан бирга онгу тафаккуримизда яхлит система сифатида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. «Менинг назаримда, — деб ёзади муаллиф, — «маънавият» тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали ифода этиш мумкин» (20-бет).

Аслида, дунёда икки олам бор. Бири — нарсалар олами, иккинчиси — шу нарсаларнинг маънолари, нарсалар ҳақидаги билимлар, муносабатлар, фазилатлар олами. Шунинг учун бўлса керак, халқимиз билимдонларни — олим, фазилатли инсонларни — фозил дейди. «Фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чукур англаш, балки ана шу хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш — одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди» (25-бет), деб уқтиради муаллиф.

Бугун биз тараққий топған давлатлар тажрибасини ҳисобға олған ҳолда, улар йүл күйгөн хатоларни такрорламасдан, ҳаётда синовдан ўтган, амалда ўзини оқлаган моддий ва мънавий омилларга таяниб ривожланиш йўлидан бормоқдамиз. Жумладан, Япония ва Жанубий Корея давлатлари эришган улкан иқтисодий ютуқлар ҳам бизнинг эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Бу мамлакатлар қўлга киритган марраларнинг сири ҳақида дунё миқёсидағи эксперт ва кузатувчилар ўртасида қанча баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтган. Китобда бу мўъжизаларнинг асл манбаи ҳақида ҳам асосли фикрлар билдирилган. Бу – япон ва корейс халқларининг миллий ўзлиги ва характеристи, мънавияти билан боғлиқ қадриятлардир. Мисол учун, бу халқлар ҳаётида ҳам биздаги каби мардлик, ҳалоллик, лафзда туриш; миллатни, корхонани бир оиласек бирлаштириш; одамларни яқинлаштирадиган миллий анъаналарни ишлаб чиқариш муносабатларига жорий қилиш; ҳашар; жамоавийлик, зарур бўлганда миллат манфаатини ўз манфаатларидан устун қўйиш анъаналари кучли экан.

Дунёдаги ривожланган давлатларнинг тараққиёт тарихи иқтисодиётни юксалтиришда мафкурадан қандай фойдаланишининг ажойиб на муналарини ўзида мужассам этади. Бу ҳақда гапирганда, японларнинг «Кокутай» миллий мафкурасини эслаш кифоя, деб ўйлаймиз.

Ушбу мафкура тизимидан ўрин олган «фуқаролик бурчи», «япон рухи», «японларнинг мөхияти ҳақида назария», «миллий тафаккур», «ижодкорлик», «умуммиллийлик», «фидойилик», «ватанпарварлик», «патернализм», «ишлаб чиқариш орқали Японияга хизмат қилиш», «жамоага садоқат», «замонавийлашув» каби асосий ғоялар ўз вақтида япон иқтисодиётининг ҳал қилувчи кучи бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг қалби ва онгига чуқур сингдирилади. Айнан шундай саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатда 1975 йилда бошланган валюта-молия инқирозини тўхтатиш имкони туғилади. Шу тариқа Япония қайта оёққа туриб, юксалиш босқичига қадам қўяди. Бошқача айтганда, унинг юксалишида инсон омили, унинг маънавий дунёси ҳал қилувчи роль ўйнайди.

«Кокутай» ғоялари билан қуролланган япон фермерлари ва ишчилари ўз Ватанининг ёруғ келажагига қатъий ишонади. Анча фурсат давом этган оғир иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам улар асло тушкунликка тушмайди. Иш кунининг охирига бориб, оч-наҳорликдан силласи қуриб, зўрға оёқда турадиган япон ишчилари тақдир ўйинларига бош эгмаслик, ўз мақсадларига эришиш учун қандай чораларни кўрмайди, дейсиз. Улар ҳатто қўлтиқларидан арқон ўтказиб, ўзларини шифтта тортиб боғланган ҳолда, қаддини ғоз тутиб, ишни давом эт-

тираверади. Чунки уларнинг барчасига улуф бир мақсад – ўз Ватанини озод ва фаровон кўриш foяси тенгсиз куч-ғайрат бағишлиб, иродасини бақувват қилиб турад эди. Такрор айтиш керак-ки, бундай куч-қудрат манбанини япон миллий мафкураси – «Кокутай» яратди.

Эътибор қилсак, бизнинг халқимизда ҳам бирлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, мақсад сари қатъий интилиш миллий табиатимизга, ўзига хос фазилатта айланиб кетганини кўрамиз. Халқимизнинг «Бирлашган – ўзар, бирлашмаган – тўзар», «Сендан ҳаракат – мендан баракат», «Бешовлон бирга бўлса – бўлмаганни бўлдирап, олтovлон ола бўлса – оғзидағин олдирап» каби мақол ва маталларида қандай чукур маънолар бор! Ана шундай ҳикмат дурданаларини яратган халқимиз тафаккуридан озиқланадиган миллий foямиз бизни юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишга ундейди.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби ўз салоҳиятимиз ва имкониятларимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Чунки у халқимизнинг ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган буюк маънавият соҳиби эканини, аждодларимизнинг қандай улуф зотлар бўлганини, она юртимизнинг бекиёс имкониятларини кўз олдимизда ёрқин гавдалантириб беради, уни ўқиган ҳар бир ўқувчининг виждонини уйғотади.

Ҳаётимизда баъзан учраб турадиган бефарқлик, лоқайдлик, «бизга бўлаверади» қабилидаги но-маъқул ҳолатлардан имкон қадар тезроқ халос бўлишга даъват этади. Чунки виждон – ўй ва сўзни амалий иш билан боғлайди. Ана шу боғловчи ришта бўш бўлса ёки бутунлай бўлмаса, жамиятимизда соғлом маънавий муҳит қарор топиши мушкул. Китобда бу ҳақда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлингни кўриш мумкин.

Асарда ўртага қўйилган марказий мавзулардан бири – тарбия масаласидир.

Биз, одатда, Яратгандан солиҳ фарзандлар ато этишини, уларнинг роҳатини кўришни сўраб, дуога қўл очамиз. Лекин фарзандларимиз солиҳ ва баркамол бўлиши учун ёлғиз тилакнинг ўзигина кифоя эмас. Бунинг учун ҳам қаттиқ ишлаш, тинимсиз меҳнат қилиш керак экани айниқса бугунги мураккаб замонда тобора аён бўлиб бормоқда. Ҳар куни, ҳар дақиқада давом этадиган узлуксиз миллий педагогик меҳнат, яъни ҳақиқий тарбиягина бизни комил фарзандларга муяссар қиласр экан. Ҳар ишни билиб қилсак, ундан кутилган натижага эришишимиз мумкин бўлади. Тарбияда ҳам худди шундай.

Шунинг учун ҳам «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида китобхон эътибори такрор ва такрор ана шу долзарб масалага – ёш авлод тарбиясига, ўғил-қизларимизнинг соғ ва

безубор қалбини турли маънавий таҳдидлардан қандай асраш масаласига қаратилади. Шу сабабли бўлса керак, китобда энг кўп ишлатилган тушунчаларни «ёшлар», «тарбия», «маънавият», «миллий фоя» каби сўз ва иборалар ташкил қиласди. Бу асар лоқайдликни, авваламбор таълим-тарбия соҳасидаги лоқайдликни енгишга даъват этади.

Унинг кўпгина саҳифаларида, хусусан, фарзанд тарбиялаётган оталар олдига аниқ вазифалар қўйилган. Айтиш керакки, шу пайтга қадар бу масала шу тарзда маҳсус қўйилмаган эди. Иболи, ҳаёли, пок, оқила қизлар тарбияси учун оналар масъул. Шунинг учун «Онасини қўриб, қизини ол», дейди ҳалқимиз. Модомики шундай экан, ўғилни, метин иродали, кучли, ақлу тафаккури, одоби билан ҳамманинг ҳавасини уйғотадиган мард ва паҳлавон йигитларни ким тарбиялади? Фоят муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бу иш билан ким шугулланади?

Она – азиз, она – мўътабар. Лекин унинг нозик елкасига йигитлар тарбиясини ҳам юклаб қўйсак, қандай бўлади? Миллий тарбиямизда оналаримиз бизни ота номи билан (унинг обрў-эътиборидан фойдаланиб, «Отанг билса, нима дейди?» «Отангта айтаман» деб) тарбиялагани ҳам бежиз эмас. Айнан ўғил бола тарбиясида оналар отанинг оиладаги ўрни ва мавқеига, унинг қатъияти, мардлик фазилатларига суюнган. Демак, оталар ўғиллар тарбиясини ўз зими-

масига олиши керак. Бу борада маҳалла фаоллари, оқсоқолларининг ўрни бекиёс. Улар оталарга: «Сиз ўғлингиз тарбияси учун кеча нима қилдингиз? Бугун нима қиляпсиз? Эртага, бир ойдан сўнг нима қилмоқчисиз?» деган саволларни бериб, бу жамият, керак бўлса, маънавият талаби эканини эслатиб туришлари зарур.

Китобдан келиб чиқадиган чуқур мантиқий хулосалардан бири шундай: маънавият фақат юксак даражада бўлганда гина ҳақиқий енгилмас кучга айланади. Демак, унинг даражаси қанча пасайиб борса, бизнинг куч-қудратимиз ҳам шунча сусаяди. Китобда миллий маънавиятимизни ожиз ва заиф қилиб қўйиши мумкин бўлган сабаблар ҳам, уни қудратли кучга айлантиришнинг аниқ йўллари ҳам аниқ-равshan кўрсатиб берилгани амалий жиҳатдан айниқса муҳим аҳамиятта эга.

Миллий фоя масаласи ҳам «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобининг марказий мавзуларидан бири ҳисобланади. **«Бу борада бир қанча эътиборга лойиқ ишларни амалга оширидик. Айни пайтда ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон талаблари, жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимиизга янги-янги вазифаларни кўймокда»,** дейилади китобнинг 72-бетида.

Муаллиф миллий фоямиз бузғунчи ва зарарли оқимларга қарши курашда бизга таянч ва

суюнч бўлишига алоҳида эътиборни қаратади. Маълумки, бугунги кунда бундай ёт, бегона мафкура ва фояларнинг салбий таъсири кучайиб бормоқда. Муаллиф бизни эгоцентризм, асл миллий қадриятларни менсимаслик, «эркинлик ва демократияни олга силжитиш», секталар, ахлоқсизлик кўринишларини маданият деб талқин этадиган «оммавий маданият», худбинлик ва зўравонлик каби бало-қазолардан огоҳлантиради. Ҳозирги мафкуралар кураши замонида тегишли хулосалар чиқариб олишга даъват этади.

Аёнки, бугунги кунда инсонни маънавий жиҳатдан емиришга қаратилган мафкуравий технологиялар муайян фоявий марказларда тайёрланиб, маҳсус тайёргарликдан ўтган мутахассислар томонидан қўлланмоқда. Ана шу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, китобда юртимизда маънавият ва маърифат соҳасида фаоллик кўрсатаётган аксарият мутахассисларнинг билим ва савияси талаб даражасида эмаслиги ўринли қайд этилган. Бу эса миллий фоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларга жалб этиладиган зиёлиларнинг ижтимоий дунёқараши, малакаси ва профессионал маҳоратини оширишни талаб этмоқда.

Албатта, ҳозирги вақтда юртимизда тарғибот ва қарши тарғибот борасида бирмунча ишлар қилинмоқда. Чунончи, ўнлаб рисолалар, жумладан, «Тарғиботчига ёрдам» рукни остида ташвиқот матнлари чоп этилмоқда, мультиме-

дия асарлари, электрон құлланмалар, худудлардаги маънавий жараёнлар мониторинги натижалари асосида жойлардаги Маънавият ва маърифат кенгашларига илмий-амалий таклиф ва тавсиялар беріб борилмоқда. Жойларда кузатылаёттан мағкуравий жараёнлар, таҳдидларнинг турлари, таъсир даражаси, усууллари, пировард мақсадлари, тадбир самарадорлиги шартлари очиб берилмоқда. Ташкилот ва муассасаларнинг раҳбар кадрлари, масъулларини миллий фоя тарифиботи технологияларини қўллашга ўргатиш бўйича тизимли семинар-тренинглар ташкил этилмоқда.

Лекин китобда қўйилган мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан қараганда, очиқ тан олишимиз керакки, маънавий-маърифий тарбия борасидаги амалий ишларимизда ҳали, афсуски, кўпгина камчиликлар бор. Уларга барҳам бериш, фаолиятимизни янгича асосда ташкил этиш, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш учун «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида илгари сурилган асосий фикр ва гоялар биз учун асосий илмий-назарий ва методологик манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Муҳаммад ҚУРОНОВ,  
*Республика Миллий фоя ва мағкура  
илмий-амалий маркази раҳбари*

## **МАЬНАВИЯТ – ҚАЛБ ЧИРОГИ**

Инсон бу дунёда яшар экан, йўл юради, не-не довонларни босиб ўтади. Лекин йўлларнинг гўзали – эзгулик сари инсон қалбига топилган йўлдир. Шу маънода, «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобини миллат қалбига топилган йўл, деб баҳолаш ўринли, деб ўйлайман. Аслида, миллат қалбига йўл – инсон қалбидан бошланади.

Мен бу китобни ўқиб чиққач, муаллиф қалбининг туб-тубидан отилиб чиқаётган «Аслинг ким эди?», «Бугун ўзинг кимсан?», «Эртага ким бўласан?» каби саволлар юрагимда қайта акс садо бергандек бўлди.

Шукурким, биз муборак истиқлолимиз туфайли топгани ўзига буюрган халқ бўлдик. Биз бугун ўзининг маънавий-моддий бойликларига ўзи эга бўлиб, бунёд этиб, куриб, яратиб-яшнаётган халқмиз. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб, асрлар оша яшаб келаётган эзгу қадриятларимиз бугун ҳам миллатимиз онгу шуурини, сийрату сувратини нурафшон қилиб турибди ва бу қадриятлар айни пайтда миллий формаценинг асосини ташкил этади.

Шу нүқтаи назардан қараганда, ушбу китобни маънавий ҳаётимиздаги яна бир бунёдкорлик намунаси сифатида баҳоласак, ўринли бўлур эди.

Одатда ўқувчи аввало қўлига олган китобнинг муқовасига назар солади. Таъбир жоиз бўлса, бу китобнинг муқовасида юртнинг юзи бор, ундаги суратлар менга тирилган тарих бўлиб кўринди.

Дарҳақиқат, яқин ўтмишимизда хоки туроб бўлиб ётган миллатимиз улуғларининг, пири комилларимизнинг қадамжолари ҳурриятимиз туфайли бугунги кунда эл-юрт дарёдек оқиб борадиган, азизу мукаррам зиёратгоҳларга айланди. Китобдаги буюк Соҳибқирон ҳайкалига тикилсангиз – Амир Темур бобомиз, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасига назар солсангиз – ҳадис илмининг султони бўлмиш улуғ зот сиймоси, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасига боқсангиз – эркинлик ва озодлик йўлида қурбон бўлган фидойи маърифатпарварлар хаёлингизда намоён бўлади. Улар гўёки ўзларига нисбатан бугунги авлодлар томонидан кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром учун, тикланган инсоний қадр-қиммат учун дуо қилаётгандек туюлади. Аслида ҳам шундай. Элу юртимиздаги осойишталик, ободлик, фаровонлик, қут-барақа, кўнгиллардаги хотиржамликда бу эзгу дуоларнинг ижобати бор.

Агар биз ушбу китобда таҳлил этилган миллий маънавиятимизнинг илдизлари нақадар

қадимий ва бақувват эканини инобатга оладиган бўлсак, бир фикрни тўла ишонч билан айтиш мумкин: модомики, биз Алишер Навоий, Амир Темур, Имом Бухорий, Имом Мотуридий сингари буюк аждодларнинг ворислари эканмиз, бизнинг маънавий жиҳатдан заиф бўлишга ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ.

Менинг назаримда, ана шу «ҳаққимиз йўқ» деган буюк ишонч, ички бир нидо муаллифнинг қўлига қалам тутқазгандек. Асарнинг бутун маъно-моҳияти ўта муҳим саволлар қатори, уйғонган элнинг маънавияти қандай бўлиши керак, деган яна бир долзарб саволга жавоб топишга қаратилгани билан эътиборлидир. Айтиш керакки, бу масала китобда турли аспектларда, ҳаёт сабоқлари асосида таҳлил қилинади.

Бугун Амир Темур – бизники, деймиз фуур билан. Лекин бундай бахтга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Фақат истиқлолимиз туфайли буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақидаги тарихий ҳақиқат тикланиб, дунёдаги минг-минглаб одамлар куч адолатда эканини англаб етди ва «Темур тузуклари»дек буюк асар билан танишиш имконига эга бўлди.

Муаллиф китобнинг ilk саҳифаларида ёқ ўқувчини фикрлашга, кенг ва атрофлича мулоҳаза юритишга чорлайди. Айниқса, асарнинг 5–6-бетларидаги яқин ўтмишга дахлдор мана бу саволлар ҳар қандай иймон-эътиқодли одамни

ўйлантириши шубҳасиз: «**Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик? Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди? Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!..» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик? Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Миллий ғууримиз, инсонийлик шаънимиз, урфодатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди? Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармилик? Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда бирор билармиди? Бирор биз билан ҳисоблашармиди?»**

Албатта, орадан 17 йил ўтганидан кейин бугунги фахру ифтихоримиз, бугунги имкониятимиз ва қудратимиз боис кимлар учундир бу саволларга жавоб бериш осон туюлар. Аммо тарихимизнинг ана шундай мاشаққатли кунларини бошидан кечирган кўплаб инсонлар қаторида мен бу сўзлар замиридаги аччиқ ҳақиқатни яна бир бора ҳис этдим. Шу сабабли ҳам бу китобни муаллиф томонидан ўқувчи қалбига тутилган маънавият кўзгуси, деб таърифлагим келди. Чунки бу китобни ўқиган инсон аввал ўзига, ўз маънавий дунёсига баҳо беради.

Мен китоб муаллифининг теран нигоҳидаги кенглилкка ҳавас қилдим. Унинг бир нигоҳида дунё тараққиёти, бир нигоҳида она Ўзбекистон, заҳматкаш халқимизнинг эртанги тақдири.

Кўлида чироги бор одам қоронғилиқдан кўрқмаганидек, дилида маънавият нури балқиб турган одам ҳам жаҳолатни енгишга қодир бўлади.

Китобда таъкидланганидек, бизнинг барчамизни она Ватандан фахрланиш туйғуси бирлаштиради. Бу туйғу кўзимизни, дилимизни яшнатиб туради. Она юрг сарҳадларига, унинг кўрку жамолига қалб кўзи билан боқсан инсонгина Ватанни яхлит бир ҳолда ўз қалбига сифдира олади. Шу ўринда муаллифнинг қуидаги фикрлари том маънода ватанпарварлик ҳиссиёти билан битилган, десак, янглишмаган бўламиз: «**Биз Ватан туйғусини яхлит ҳолда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхондарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур**» (*91-бет*).

Шу нуқтаи назардан қараганда, китобда маънавияти ва тафаккури юксак инсоннинг улкан қалбини кўриш мумкин. Асарнинг ilk саҳифасидан хотимасигача бир савол бот-бот такрорланиб туради: қандай қилсак, ёшларимиз буюк ота-боболарига муносиб издош бўлади? Қандай қилсак, уларни ҳам баҳтли, ҳам билимли, ҳам ақлли ва кучли қиласиз? Бу борада, муаллиф таъбири билан айтганда, «мактаб кўрган», «мактаб яратган» устоз, ўқитувчи ва мураббийлар,

ижодкор ва санъат аҳлининг, жамоат ташкилотларининг вазифаси нимадан иборат бўлмоғи керак?

**«Инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир» (130–131-бетлар), деб уқтиради муаллиф.**

Маълумки, биз бугун эркин, демократик жамият қуряпмиз, тезкор ахборот асрида яшяпмиз, шу боис ҳозирги ёшларнинг кўзига, онгу шуурига тўр тутиб, уни кўрма, буни ўқима, бунисини эшитма, деб бўлмайди, бунинг иложи ҳам йўқ. Улар аввало радио-телевидение, матбуот, интернет орқали бизга нисбатан кўпроқ нарсаларни билишга, кўришга интилади.

Шундай бир шароитда биз – ота-оналар қандай йўл тутишимиз керак? Ёшларимиз нималардан огоҳ бўлиши зарур? Қайси қадриятларимизни эъзозламоқ керак? Қайсиларини келажак авлодларга мерос қилиб қолдирмоқ керак?

Бу китоб ана шундай мураккаб саволларга тўғри жавоб топишга шундай даъват этади:

Биз фарзандларимиз тарбиясида шундай йўл тутишимиз лозимки, токи улар ёмондан, ҳаромдан ҳазар қилсин, ҳasad қилишдан уялсин, сотқинликни ор деб билсин. Четдан ёпирилиб келаётган «оммавий маданият» гирдобидан узоқ юрсин. Бунинг учун эса аввало тарбиячига илму

ҳидоят, меҳру муҳаббат, сабру қаноат, оталарча, оналарча бағрикентлик керак.

Бўш қоп турмаслиги аён. Аслида, ҳар бир инсон дунёга келибдики, фаровон ва тўкис яшашни, эл-юртнинг эътибори ва назарида юришни истайди. Шунинг учун ҳам муаллиф маънавий ва моддий ҳаёт уйғунылиги ҳақида гапирганда, уларни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслайди.

Муаллиф ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳодисалар ҳақида сўз юритар экан, уларни аввало табиат билан, унинг азалий қонуниятлари билан уйғун ҳолда талқин этади. Мисол учун, қуйидаги иқтибосга назар ташлайлик: «**Эрта баҳорда табиатнинг қандай уйғонишига эътибор беринг – тош қотиб ухлаб ётган дарахт новдаларига бир кечада жон кириб, куртак чиқара бошлайди, ерга ташланган уруғ тупроқни ёриб чиқади. Ҳатто бир қарашда ҳаёт аломати йўқдек туюладиган тогу тошларда ҳам ям-яшил майсалар кўкаради, қирмизи лолалар алвон гиламдек очила бошлайди. Буларнинг барчаси табиат бағридаги кўзга кўринмас мислсиз қудрат – энергиянинг ажиб бир тарзда намоён бўлиши билан боғлиқдир» (164-бет).**

Муаллиф айтмоқчи, Яратган ҳар бир мавжудотга жасорат кўрсатиш имконини берган экан, нечун уни кузатиб турган одамзот бундан ибрат олмаслиги керак? Бу даъват ҳазрат Навоийнинг қуйидаги мисраларини ёдимизга солади:

**Уруг ерга тушиб чечак бўлди,  
Курт жондан кечиб ипак бўлди.  
Лола тухмича гайратинг йўқму,  
Ипак куртича ҳимматинг йўқму?**

Жамиятдаги маънавий бўшлиқ кўнгилдаги маънавий бўшлиқдан бошланади, дейди муаллиф. Кўнгилга эса сўз билан кирилади. Шу боис китобда инсон қалбига йўл топишнинг қудратли воситаси – бу адабиёт, деган фикр илгари сурилган. Улуғ адиб Чўлпон айтганидек, «Адабиёт яшаса – миллат яшайди», дейди Юртбошимиз.

Китобда истиқлол фидойилари, қаҳрамонлари қандайдир ўзга маконда эмас, сизу биз билан бирга, орамизда яшагани, яшаётгани ҳақида ёрқин мисоллар келтирилади. Муаллиф мустақиллик йилларида яратилган айрим шерьиј асарларни эътироф этгани ҳолда, «ёзувчи ва драматургларимиз ҳам бугунги авлодларнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, замондошларимизнинг маънавий-руҳий дунёси, ҳаётта кириб келаётган ва ҳал қилувчи кучга айланаётган ёшларимизнинг пок орзу-интилишлари ўзининг теран бадиий ифодасини топган янги асарлар билан халқимизни хушнуд этадилар» (138-бет), дея ишонч билдиради.

Илгари ўзбек адабиётининг намуналарини бошқа тилларга таржима қилиш асосан учинчи тил, яъни рус тили орқали амалга ошириларди. Бу борада қилинган ишларни ижобий баҳолаш

билан бирга, бевосита она тилимиздан шарқ ва гарб тилларига таржима қилиш мактабини яратиш зарурлиги масаласи ҳам ушбу китобда муҳим вазифа сифатида ўртага қўйилади. Чунки бугун ўзбек ҳаёти, ўзбек халқининг табиатига жаҳонда қизиқиш жуда катта. Узок-яқин мамлакатлардаги ёру дўстларимиз бундай қизиқишларига адабиёт ва санъатимиз орқали жавоб олишни истайди. Бу борада буюк ёзувчилар, буюк шоирлар, буюк ижодкорлар ҳамиша ўз халқининг юзи бўлган. Муаллиф бу ўринда нафақат адабиёт, балки кино, театр, мусиқа, ҳайкалтарошлик, рассомлик каби санъат турларидан ҳам унумли фойдаланиш, асрлар оша маънавий бойлигимизнинг қўзгусига, миллат ифтихорига айланадиган асарлар яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Шуни айтиш керакки, қайси соҳада бўлмасин, қўлига қалам олган ёки саҳнага чиққан ижодкор борки, яратган асари ва образлари одамларнинг қалб мулкига айланишини истайди. Шу боис муаллифнинг қуйидаги сўзларини ижод аҳлига билдирилган катта ҳурмат ва юксак ишонч сифатида қабул қилиш лозим, деб ўйлайман: «Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига қандайdir ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас. Лекин бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган,

**янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади» (158-бет).**

Одам учун сув ва ҳаво, нон қандай зарур бўлса, маънавият ҳам шунчалар зарур. У инсоннинг жисму жони, онгу тафаккурида ҳар сония, ҳар соат, ҳар куни нурланиб туриши керак.

Муаллиф китоб хотимасида ўз фикрларига якун ясар экан, биз қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч — юксак маънавияти бор халқмиз, деб гурур билан таъкидлайди.

Иншоолло, пок ният билан йўлга чиқкан карвоннинг ҳам, халқнинг ҳам йўли очиқ бўлгай ва келажак авлодлар ҳам «Биз киммиз?» деган саволга ёруғ юз, фахру ифтихор билан жавоб бергайлар.

**Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири**

---

## **ХАЛОСКОР КУЧ ёхуд маънавий оламни асрараш қайғуси**

*Ҳаётнинг маъноси тинимсиз кураш,  
қийинчилекларни енгигб ўтиш, бир сўз  
билан айтганда, доимий жасорат,  
азму шижоат билан яшашидан иборат.*

*Ислом Каримов*

Бугун биз фоят чигал ва зиддиятли дунёда яшаяпмиз. Бугунги даврда ҳақиқатни яшириш, уни турли фаразли манфаатлар йўлида сохталаштиришга ишқибозлар кўпайиб бормоқда. Натижада асл мақсадлар ниқобланиб, азалий тушунчаларнинг маънолари чигаллаштирилмоқда. Баъзан ҳаётда гуноҳни савоб деб, асоратни эркинлик деб, ёлғонни рост деб уқтирадиганларнинг домига тушиб, ялтироқ нарсани олтин ўрнида қабул қилаётганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асари китобхонларни аввало ана шундай хатарлардан огоҳ этадиган, бугунги ҳаётда нима яхшию нима ёмон экани ҳақида бош қотиришга ундейдиган, тафаккуримизни қувватлантирадиган, ҳаёт илмига чанқоғимизни босадиган, ён-атрофимизда кечеётган,чувалган воқеалар моҳиятини анг-

лашга имкон берадиган манба бўлиб хизмат қилиши билан фоят муҳим аҳамиятга эга.

Муаллиф ҳозирги вақтда дунёда кечётган фоявий курашлар ҳақида бундай деб ёзади: «**Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу фоя ва таълимотлар билан ёвуз ва заарли фоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз» (112-бет).**

Маълумки, дунё икки қутбга бўлинган замонларда эзгулик ва ёвузликни ажратиб турдиган чизиқ давлатларнинг чегаралари устидан ўтади, деган қандайdir оддий тасавурлар бор эди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда, бир қутбни бошқарган мамлакатга «Ёвузлик салтанати» деган тамға босилган бўлса, бошқа қутб етакчиси «Эзгулик диёри» дея олқишли нар эди. Бироқ ҳозирги кунда жаҳоннинг геосиёсий манзараси шу қадар тез ўзгармоқдаки, охир-оқибатда нафақат бир мамлакатда яшайдиган инсонлар, баъзан ҳатто бир оила аъзолари ҳам сарҳадларнинг турли тарафларида қолиб кетмоқда. Энг ёмони, инсоннинг онгу шуурида ҳам бўлиниш ва чегаралар пайдо бўлмоқда. Бошқача айтганда, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва зиддиятлар фақат салтанатлар, халқлар ва шахслар ўртасида эмас, балки ҳар

биримизнинг қалбимизда, онгимизда ҳам кечмоқда.

Муқаддас китобларда ёзилишича, Яратганинг ўзи инсонга танлаш имконини берган. Унинг оладиган ажру мукофоти ҳам, жазоси ҳам қандай йўлни танлаши билан боғлиқ бўлишини билдирган. Бироқ шундай бўлса-да, ҳанузгача **«кимдир Раҳмон измида юрса, кимдир Шайтон измида юради»** (23-бет). Демак, бугун ўз ички дунёсида кечаётган курашда ғолиб бўлишни истаган ҳар қайси инсон аввало нафс балосини енгиши, ҳар қандай кўринишдаги ёвузликни маҳв этиши даркор. Чунки ҳар бир инсоннинг тақдиди, ҳаётининг мазмуни ана шу курашнинг натижасига боғлиқ бўлади.

Лекин ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, одам боласини инсон этиб тарбиялаш, эзгулик йўлига бошлаш осон эмас. Бир мисол, фашистлар Германиясининг миллионлаб бегуноҳ одамларнинг ёстигини қуритган машъум сиёсатига мафкуравий пойdevor бўлган фоя ҳам инсон тафаккури маҳсули эди. Ёки аксинча, айрим Осиё мамлакатларининг «иктисодий мўъжиза»ларига асос бўлган таълимотлар муаллифлари ҳам Одам Ато наслидан эди.

Бироқ бу икки тоифа вакилларини фақат бир нарса ажратиб туради – уларнинг ҳаётий эътиқоди. Инсонларнинг ички олами, ахлоқий қоида ва қадриятларидаги ана шундай фарқлар туфай-

ли одамзод доимо таҳлика остида, жанги жадаллар гирдобида яшаган. Таассуфки, бугунги ўта мўрт дунёда бундай хавф-хатарлар рўйхати камайиш ўрнига янгилари ҳисобига кенгайиб бормоқда. Шу ўринда кўхна афсоналарда тасвирланган Гидра исмли қўп бошли аждар ёдимизга тушади. Гидранинг битта бошини кессалар, унинг ўрнидан дарҳол икки-учта бош ўсиб чиқармиш. Бу ҳол Гидра билан курашиш қанчалик қийин ва машаққатли эканини кўрсатади. Бугунги кундаги маънавий таҳдидларни ҳам ана шундай аждарҳога қиёслаш мумкин.

Муаллиф бундай хатарлар ҳақида фикр юритиб, уларни қуйидагича таърифлайди: «**Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман**» (13–14-бетлар).

Муаллиф талқинига кўра, маънавий таҳдид: **аввало**, инсоннинг эркинлигига дахл қиласди, уни фикрий қарам қилишни кўзлайди; **иккинчидан**, инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаришга йўналтирилган мафкуравий, гоявий ва информацион хуружлар шаклида амалга оширилади;

*учинчидан*, турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остига яширилади;

*тўртинчидан*, катта маънавий йўқотишларга олиб келади, халқларнинг миллий ва диний томирларига болта уради;

*бешинчидан*, бегона ғоя ва заарли дунёқарашни аввало беғубор ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилади;

*олтинчидан*, мамлакат хавфсизлиги ва миллий манфаатларига таҳдид солади, жамиятни инқирозга олиб келади;

*ва ниҳоят*, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала саналади.

Демак, маънавий таҳдид қайси давлат ёки халқقا қарши қаратилишидан қатъи назар, бутун инсониятда бирдек ташвиш ва хавотир уйғотмоғи лозим.

Муаллиф маънавиятга таҳдид солиш қандай машъум асоратларга олиб келишини асослаб, қуйидагиларни баён қиласи: «**Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади» (11-бет).**

Тарихдан маълумки, гегемония – жаҳонга

якка хўжайин бўлиш васвасаси дунёнинг ўзи каби кўҳна муаммодир. Тўғри, бугунги кунда бирор-бир мамлакатни босиб олиш, қайсиdir халқни бўйсундириш воситалари тубдан ўзгарди. Илгари бунинг учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳа, қимматбаҳо техника, қудратли лашкар ва кўп вақт керак бўлар эди. Ҳозир эса ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни ўзининг ғаразли foяси таъсирига олиш, онгни бошқариш бўйича замонавий технологиялар ишга солинса бас — маданий босқинчиларнинг мақсади ҳосил бўлади.

Бундай «маданий гегемония» назариясининг foявиy отаси бўлмиш Антонио Грамши «Қамоқ дафтарлари» асарида (бу асарнинг номиданоқ унинг қаерда ёзилганини билиб олиш мумкин) бу йўлдаги мақсадга эришиш учун инқилоб талаб қилинишини, бунда онғ инқилобий бузғунчилик объекти сифатида танланишини уқтиради.

Гегемония жамиятнинг маданий ўзагини нишонга олади. Бу ўзак инсоннинг ҳаёт ҳақидаги, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурларини, билим ва тажрибани, анъана ва рамзларни қамраб олади. Одатда маданий ўзак қанчалик мустаҳкам ва барқарор бўлса, жамиятдаги барқарорликни сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган халқнинг иродаси ҳам шу қадар қатый бўлади. Аксинча, маданий ўзакнинг заифланиши ёки қўпорилиши аҳоли иродасининг сусайишига олиб келади ва инқилоб учун замин яратади.

Бинобарин, жамиятдаги бирдамлик гегемония учун хавфли ҳисобланади. Демак, маданий гегемонияга эришиш йўлидаги кураш биз кўнижкан шаклда – ҳарбий ёки ижтимоий-сиёсий кучларнинг тўқнашуви тарзида кечмайди, бу жараёнда қон тўкилмайди, қурбонлар берилмайди. Бу кураш зимдан, кўзга кўринмайдиган тарзда, кишиларнинг онгини, руҳи ва қайфиятини астасекин ўзгартириш орқали амалга оширилади. «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида ўринли таъкидланганидек, «**Масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазийқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазийқни, унинг таъсири ва оқибатлари-ни тезда илғаб этиш ниҳоятда қийин**» (113-бет).

Ўйлаб кўрайлик, ҳарбий куч билан босқинчилик қилиш, уруш ва ноҳақ қон тўкишни бутун инсоният асрлар давомида қарғаб, қоралаб келади. Чунки шафқатсиз жанги жадаллар оқибатида содир бўладиган оғир талафотлар, моддий ва маънавий зарарни ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, ўрнини қоплаб ҳам бўлмайди. Лекин инсонлар онгига таъсир қилиш йўли билан босқинчиликни амалга ошираётганларни эса, табиийки, бундай гуноҳларда айглаш қийин. Чунки улар тарғиб қилаётган ғоялар ортида қандай манфаатлар яширингани ва улар қандай мудҳиш кулфатлар келтиришини билиш ҳам, исботлаш ҳам

ниҳоятда мураккаб. Бундай курашда истилочи-нинг ким экани ҳамиша номаълум бўлади, аксарият одамлар ҳатто ўзига қарши кураш олиб борилаётганини англамайди ҳам. Шу боис бундай босқинчиликка уюшган ҳолда қаршилик кўрсатиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бундай тажовуз тинч аҳолига қарши курашни эслатади. Айнан шу омил фоявий курашларнинг муваффақиятини белгилаб беради. Аҳолининг қаршилик кўрсатмаслиги инобатга олинган ҳолда, бундай курашлар оқибатида юз берадиган ўзгаришлар сиёsatшунослик илмида «пассив инқилоб» деб аталади.

Шундай қилиб, маданий гегемонияга эришиш учун кўп сонли кўрсатув ва эшиттиришларда, китоб ва рисолаларда, журнал ва газета мақолаларида, интернет саҳифаларида маданий ўзакни қўпоришга қаратилган вирус-фояларни тарқатишининг ўзи кифоя қиласди.

Маънавий ўзакдан маҳрум қилинган халқ-нинг онгу шуури фалажланади, хавф-хатар ва таҳдидларни англаш қобилияти йўқолади. Оқибатда у ожиз ва ҳимоясиз, муте ва қарам бўлиб қолади. Шу тариқа жамиятда мутлақо бегона маданиятнинг ҳукмронлиги ўрнатилади, яъни у ўзгалар томонидан батамом забт этилади. Омманинг онгига ёт қадриятлар сингдирилади. Кўриниб турибдики, маданий гегемония негизида инсонни мустақил фикрлашдан, ўзлиги-

дан, миллий ҳис-туйғулардан маҳрум қилиш, уни манқуртга айлантириш мақсади ётибди.

Бугунги кунда айрим ижтимоий жараёнларни кузатар эканмиз, очиқ айтиш керакки, уларнинг маданий гегемонияга асосланган ҳолда кечаётганини тан олишга мажбур бўламиз. Таассуфки, маданий гегемония ўрнатиш ўзга ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, инсон онгини бошқаришнинг кенг тарқалган технологиясига айланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, онгни бошқариш деганда, яширин тарзда амалга ошириладиган руҳий таъсир тушунилади. Бу таъсир кимга қарши қаратилган бўлса, ўша шахсларга зиён етказади. Онгни бошқариш учун аввал инсонларни тўдага, оломонга айлантириш талаб этилади, шундан кейин улар исталган кўйга солинади, ҳамма нарсани кўр-кўrona қабул қилаверадиган пассив томошабинг айланади.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавий таҳдидлар глобаллашув жараёнлари билан бир бутун ҳолда таҳлил этилади. Муаллиф масалага холисона ёндашиш принципига содик қолиб, аввало бу ҳодисанинг ижобий жиҳатларига тўхталади. Муаллифнинг фикрича, глобаллашув жараёнининг ижобий хусусиятлари:

*биринчидан*, мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-био-

логик глобал мұхиттінг шаклланишини ифода этади;

*иккінчидан*, миллий ва минтақавий муаммоларнинг жағон миқёсидаги муаммоларга айланыб боришида намоён бўлади;

*учинчидан*, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайишига олиб келади;

*тўртинчидан*, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳарарати учун қулайликлар яратади, кўплаб янги иш ўринларининг очилишига туртки беради;

*бешинчидан*, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши учун замин яратади;

*олтинчидан*, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғуналашуви, цивилизациялар аро мuloқotнинг янгича сифат касб этишида кўринади (*111–112-бетлар*).

Ҳозирги вақтда глобаллашув жараёни янги янги ҳудуд ва минтақаларни, барча фаолият соҳаларини ўз домига тортиб бормоқда. Шундай бир вазиятда бу ҳодисани кўпроқ иқтисодий жараён сифатида талқин қилиб, унинг сиёсий жиҳатлари ҳақида сукут сақлашни афзал кўраётганларга жавобан муаллиф бундай деб ёзади: «**Глобаллашув жараёнининг... ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куро-**

**лига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаёттанини сорлом фикрлайдиган ҳар қандай одам албатта кузатиши муқаррар» (113-бет).**

Биргина ахборот соҳасидаги глобаллашув жараёнини оладиган бўлсак, унинг таъсири жаҳонда етакчилик қилиш учун кечаётган шиддатли курашда намоён бўлмоқда. Чунки ахборот технологияларининг ривожланиш даражаси давлатнинг геосиёсий таъсирини белгиловчи омиллардан бирига айланмоқда. Шунинг учун ахборот технологиялари юксалган давлатларда бу соҳадаги устунликдан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва маданий тажовузларни амалга ошириш йўлида фойдаланиб қолиш васвасаси йўқ, деб айтмолмаймиз.

Ачинарлиси шундаки, глобаллашув жараёнини шарҳлаш ва тушунтиришда бирёқламаликка йўл қўйилмоқда. Буни аввало жаҳон миқёсидаги интеграциялашувнинг аҳамияти бўрттирилиб, ҳар қайси халқнинг миллий ўзига хослиги, кўп қутбли дунёнинг ранг-баранглигини асраш, қашшоқ мамлакатларга ёрдам бериш каби ўткир муаммолар кўпинча эътибордан четда қолаётганида кўриш мумкин. Натижада глобаллашув жараёнларини дунё миқёсидаги ягона йирик давлатни қарор топтириш, ягона жаҳон маданияти(!)ни шакллантиришдек фақат айрим мафкура марказларининг манфаатларига

жавоб берадиган мақсадларга хизмат қилдириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар кучаймоқда.

Кўриниб турибдики, глобаллашув дунёни бирлаштириш баробарида айни пайтда уни емиряпти, деган хавотирлар жиддий асосга эга. Бинобарин, бугун инсоният ҳал қилувчи танлов олдида турибди. Агар у ўз вақтида бу жараённинг жиловини тортмаса, глобаллашувни маданиятларо мулокот воситасига, миллий ўзига хосликни бойитувчи омилга, дунёдаги ранг-барангликнинг муҳим манбаига айлантирмаса, кишилик жамияти глобал тақдирнинг ожиз ўйинчогига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу борада айниқса турли ҳалқ ва миллатлар маданиятини ич-ичидан емираётган, бу жараёнларнинг мафкуравий пойдеворини ҳосил қиласиган вайронкор ғояларнинг ёвуз моҳиятини очиб бериш долзарб вазифага айланади.

Асарда «Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир» (111-бет) деган фикрлар асосида глобаллашув жараёнларининг яна бир муҳим жиҳати очиб берилган. Яъни, муаллиф ҳозирги кунда ҳаётимизда содир бўлаётган туб ўзгаришларнинг нафақат сифати, характеристи, балки суръатлари ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда тараққиёт суръатлари бекиёс равишда жадаллашди. Айрим олимлар бундай шиддатни босма дастгоҳнинг

кашф этилиши билан изоҳлайди. Чунки бу кашф иётиш зарур билимларни эгаллаш йўлида катта сакраш бўлган эди. Тан олиш керак, китоб чоп этишнинг миқёси ва кўлами инсоннинг янги билимларни эгаллаш суръатларига мос тушади. Шундай экан, агар дастгоҳ кашф этилган дастлабки пайтларда Европада йилига тахминан 1000 номдаги китоб чоп этилган бўлса, ҳозирда кунига 1000 номдаги китоб чоп этилмоқда<sup>1</sup>. 1950 йилда кашф этилган компьютер эса билимларни эгаллаш жараёнини янада жадаллаштириб юборди. Умуман, янги технологияларнинг ҳаётга жорий этилиши оқибатида охирги 100 йил мобайнида силжиш тезлиги 102 марта, мулоқот тезлиги 107 марта, ахборотни қайта ишлаш тезлиги 106 марта ўсди.

Аслида, бундай ўзгаришлар илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратади. Айни пайтда бундай шиддатнинг хавфли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, бу ҳол ахборотдан ўз таъсир доирасини кенгайтириш, кишилар онгини бошқариш мақсадида фойдаланувчилар учун кенг йўл очиб бермоқда. Бу кучлар ҳақиқатга эгалик қилиш даъвоси билан чиқиб, нима яхшию нима ёмон эканини, қайси ҳодисани қандай баҳолаш лозимлигини белгилаб беришга уринмоқда. Эътироф

<sup>1</sup> Тоффлер Э. Шок будущего. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2004, 43–44-бетлар.

этиш керак, бугунги тезкор ҳаётда катта ҳажмдаги узлуксиз ахборот оқимида күпчилик вақт танқислиги туфайли унинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритиш, уни обдан «ҳазм қилиш»га улгура олмаслиги мумкин. Шу маънода, медиамарказлар инсонни танлов имкониятидан маҳрум қилиб, унга тайёр хуносалар, ечим ва баҳоларни сурбетларча тиқиширишга ҳаракат қиласади. Чунки бундай ёндашув инсон хатти-ҳаракатини осонгина «программалаштириш» имконини беради, уни тегишли йўриқ бўйича юргизиш учун шароит яратади.

Айниқса, демократия шароитида фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча шарт-шароитлар яратилиши бу кучлар учун қўл келади. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида масаланинг шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади: «**Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўрабчирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз» (114-бет).**

Демак, инсоннинг ахборот соҳасидаги хавф-сизлигини таъминлаш учун фуқароларнинг ахборот маданиятини юксалтириш, яъни уларда ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Муҳими, одамларни ахборотни тўғри идрок этишга тайёрлаш лозим. Бунда ҳар бир шахс маълум ахборотнинг фойдали ёки заарли эканини ажратиб оладиган мезонларни ишлаб чиқиши, маълум ахборотнинг ўз фаолияти ва ҳаёти учун қадрқимматини баҳолаш кўникмасига эга бўлиши талаб этилади. Бошқача айтганда, инсонларнинг онгида ахборотларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратадиган «фильтр»ларнинг бўлиши ахборот хавфсизлигини кафолатловчи асосий омил саналади.

Китобдаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, муаллиф асарнинг ўзагини мувозанат фояси асосига қуради. У барча нарсада – бу маънавий ва моддий ҳаёт ёки таълим ва тарбия бўладими, умумисоний ва миллий қадриятлар, замонавийлик ва анъанавийлик ёки диний ва дунёвий қадриятлар бўладими – уларнинг барчасида уйғунлик ва мутаносибликни сақлаш зарурлиги, бу эса юксалиш, тараққиётнинг муҳим шарти эканини асослаб беради.

Асар китобхонни яна бир жиддий таҳдиддан огоҳлантиради: **«Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва страте-**

**гик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади» (116-бет).**

Биламизки, жаҳонда демократиянинг ёйилиши мураккаб ва зиддиятли жараён сифатида кечган. Чунки ҳар ким демократиядан ўзи истаган нарсани топишга интилади. Аслида, чинакам демократия ақл-идрок учун жиддий синов, бой маънавиятнинг ўзига хос намойишидир. Демократия ўз ҳаётини ўз ақл-идрокига таяниб, ўз хотиши-истагига монанд қуриш имконини беринши билан ҳам жозибали. Демократия шахсга кенг эркинлик беради, бироқ шунга яраша катта масъулият ҳам юклайди. Демократия халқ иродасини ифода этади ва шахс салоҳиятини рӯёбга чиқариш учун қулай замин бўлиб хизмат қиласди. Халқнинг онглилиги, ўзини ўзи англаши эса демократияни қувватлантиради.

Башарият тарихи аксарият мамлакатларда жамиятни демократлаштириш жараёнлари узоқ муддат давом этганидан далолат беради. Шуни унумаслик керакки, демократия ўрнатилмайди, балки яратилади. Шу нуқтаи назардан қарангандা, айрим кучларнинг муайян давлатлардаги демократик жараёнларни сунъий равища тезлатишга уриниши ҳеч қандай назарий ва амалий асосга эга эмас. Демократлашув жараёнла-

рини сунъий тезлаташга ҳар қандай уриниш аслида табиий эволюцион ривожланишга қўполлик билан аралашувни англатади ва ясама «демократия»нинг шакланишига сабаб бўлади.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бугунги кунда демократияни умуминсоний қадриятдан универсал қадриятга айлантиришга уринаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар демократияни барча муаммоларнинг давоси сифатида тақдим этиш, турли мамлакатлардаги демократик жараёнларни бир андозага солишга уринмоқда. Ваҳоланки, демократия бошқа давлатлардан шунчаки ўзлаштириш ёки нусха кўчириш ёхуд тақлид қилиш орқали ўрнатилмайди. Китобда таъкидланганидек, демократия халқнинг юз йиллар давомида шаклланган турмуш маданияти, тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда жорий этилади. Шунинг учун жаҳондаги ҳар қайси мамлакатда демократиянинг ўз қиёфаси бор. Демократиянинг яшовчанлиги ҳам унинг мавжуд миллий, диний, маданий хусусиятларни инкор қилмаслигига, миллий ўзига хосликка зарар етказмаган ҳолда ривожланишида намоён бўлади. Бу жиҳатдан қараганда, барча халқларнинг интилишларига тўла жавоб берадиган ҳаммабоп демократия моделининг мавжудлиги ҳақидаги фикр аслида демократия фоясини обруғизлантираётган пуч даъводан бошқа нарса эмас.

Муаллиф демократлаштириш жараёнларида «устозлик» қилиш даъвоси билан чиқаётган кучларга нисбатан ҳамиша хушёр туришга чақиради. Аслида, демократия бошқа мамлакат ҳудудига унинг миллий манфаат ва хусусиятларини инобатта олмасдан туриб экспорт қилиниши мумкин бўлган товар эмас. Агар демократияга экспорт предмети сифатида ёндашилса, у бир тарафнинг бошқа тараф устидан устунликка эришиш воситасига айланади. Ҳолбуки, ҳеч бир ҳалқаро ташкилот ёки давлатга ўзга мамлакатда зўравонлик билан демократия ўрнатиш ваколати берилган эмас, берилмайди ҳам.

Кейинги йилларда ўзга мамлакатлардаги демократлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарурлиги ҳақида аюҳаннос солаётган кучлар демократия «улашиш» баҳонасида дунёга гегемонлик қилишга интилаётгани сир эмас. Бундай курашда сиёсий мақсадлардан кўра иқтисодий сабаблар кўпроқ тош босади. Гегемониянинг ана шундай пинҳона мақсадлари ҳақида огоҳлантириб, муаллиф бундай деб ёзади: «**Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муйян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай гаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиласиган куч-**

**ларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас» (116-бет).**

Бу фикрларнинг исботи учун аниқ рақамларга мурожаат қиласлий. Маълумки, ер қаърида табиий бойликлар, минерал ресурслар нотекис жойлашган ва бу омил давлатларнинг ривожланшиига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларидаги инсон ресурслари, табиий захиралар ҳажми ва минерал хомашёни истеъмол қилиш кўлами ўртасида номутаносиблик мавжуд. Минерал ресурсларнинг асосий қисми саноати ривожланган мамлакатларда истеъмол қилинмоқда. Бу давлатларнинг жаҳондаги табиий ресурслар назоратини кенгайтиришдан манфаатдор экани шубҳасиз.

Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳондаги аҳолининг 14 фоизи истиқомат қиласиган ривожланган мамлакатлар жаҳон табиий ресурсларининг 70 фоизини истеъмол қиласар экан. Бунинг акси ўлароқ, ривожланаётган мамлакатларда дунё аҳолисининг 60 фоизи истиқомат қиласа-да, бу мамлакатлар ҳиссасига заминимиздаги табиий ресурсларнинг бор-йўғи 16 фоизи тўғри келади<sup>1</sup>.

Демак, ривожланган мамлакатлар ўз эҳтиёjlарини қондириш учун қўшимча ресурслар излайди ва бундай захираларга бой бўлган ҳудудларни ўз таъсир доирасига олишга интилади.

<sup>1</sup> Природно-ресурсный потенциал мирового хозяйства.  
[http://monax.ru/geography/00002041\\_1.html](http://monax.ru/geography/00002041_1.html).

Юқорида келтирилган рақамлар айнан ана шундай мінтақаларда «универсал демократия» ва «универсал маданият» моделларини үрнатиш учун олиб борилаётган хатти-харакатларнинг асл сабабларини, озгина бўлса-да, ойдинлаштиради.

Муаллиф «маънавият – кудратли қурол» деган фояни китобнинг ўзак фояси сифатида илгари суради. Бир қарашда, «маънавият» ва «курол» тушунчалари ўртасида умумийлик йўқдек туюлади, ҳатто улар бир-бирини инкор қиласидигандек кўринади.

Бироқ муаллиф бирор худудни эмас, тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этишда маънавият кудратли қурол бўлиб хизмат қилиши лозимлигини, бирор кучга қарши курашда эмас, бизга хавф солаётган таҳдидлардан ҳимояланишда маънавият кудратли қурол бўлиши зарурлигини исботлаб беради. Бир сўз билан айтганда, хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашда маънавиятимиз биз учун нажоткор ва халоскор куч вазифасини бажаради.

**«Маънавият бобида бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга» (11-бет)** уринишларга жавобан муаллиф маънавиятни бебаҳо бойлик сифатида асрашга чақиради.

Айни пайтда китобда жамоавийлик, жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалса-фасига, ҳаёт қоидасига айланниб кетгани таъ-

кидлангани ҳолда, ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби ахлоқий тушунчалар шарқона ахлоқ кодекси сифатида таърифланади. Ўзаро муносабатларнинг устуворлиги, бироннинг кўнглини оғритмаслик, ён-атрофдаги кишиларнинг оғирини енгил қилиш, ёрдамга муҳтожларга беғараз кўмак бериш негизига курилган меҳр-оқибат халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетгани ифтихор билан қайд этилади.

Биз – зиёлилар ўртасида яхши бир одат бор: мағзи тўқ мақола, тафаккурга қувват берадиган китоб ўқиганимизда, уларни бир-бири мизга илинамиз. Шунинг учун мен «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобини нафақат олимларимиз, балки юртимизнинг юксалишидан манфаатдор бўлган ҳар бир ватандошимизга илинган бўлардим. Чунки маънавиятимизни бугунги таҳдидлардан безавол сақлаш истаги билан яратилган бу китобни муаллифнинг биз учун, миллатимиз учун аталган бебаҳо тортифи сифатида қабул қиласман. Чунки яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги асосий кураш салтанатлар, миллатлар, шахслар ўртасида эмас, ҳар биримизнинг онгимизда кечишини инобатга олсак, бу асарни ўқиган кишининг ички оламида кечаётган кураш эзгулик фалабаси билан тугашига ишонаман.

Нигора УМАРОВА,  
*сиёсий фанлар номзоди*

## **ИБРАТ КИТОБИ**

Дунёда шундай китоблар бўладики, улар аввало инсоннинг онгига таъсир этиб, кўп билим, фикр ва маълумотлар беради, дунёқарашини, тафаккур уфқини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Бошқа бир китоблар борки, аввалимбор инсоннинг кўнглига, ҳиссиёт оламига таъсир этади, унинг туйгуларини тарбиялашга, қалб кўзини очишга хизмат қиласди. Айни пайдада бу китобларнинг барчасига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, ҳар жиҳатдан ноёб, қадрли асарлар ҳам бўлади. Улар ҳам онгимизга, ҳам руҳиятимизга баробар таъсир этади, ўзининг маърифий қуввати билан ҳам тафаккуrimизни юксалтиради, ҳам қалбимизни нурафшон этади, нафақат бир инсон, балки бутун жамият ҳаётидаги қарашларни ўзгартириб, гўзал ва бетакрор маънавий фазилатларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Муҳтарам Юрбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китоби, ҳеч шубҳасиз, ана шундай нодир ва ибратли китоб эканини шахсан мен уни ўқиши жараёнида чин дилдан ҳис қилдим.

Ушбу асарда муаллиф маънавият аввало инсон ҳаётининг маъно-мазмунини ташкил этадиган бекиёс бойлик экани, унинг кучи ва қудрати сўз ва амал бирлиги орқали намоён бўлишини исботлаб беради. Бу ҳақда фикр юритар экан, қуидагиларни таъкидлайди: «**Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ турли ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин.** Лекин, мухтасар қилиб айтганда, **Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чукур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди» (25-бет).**

Табиийки, маънавият ҳақидаги бундай ҳаққоний фикрлар китобхонни доимо сўз билан иш бирлиги асосида яшашга даъват этади.

Муаллиф бу борадаги мулоҳазаларини изчил давом эттирас экан, шахс ҳаётининг маъно-мазмуни иймон, виждон, ирода каби олий фазилатлардан иборат эканига эътиборни қаратади: «**Чиндан ҳам, агар одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждани уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?**» (28-бет).

Бу савол соғлом фикрлайдиган ҳар бир одамини ҳамиша ўйлантириши, сергакликка чорлаб

туриши зарур. Муаллифнинг сўз ва амал бирлиги, маънавий қадриятлар ҳақидаги фикрлари истиқлол йилларида амалий ҳаётимизда ёрқин ифодасини топаётганини кўриб, янада кучли таъсирланамиз.

Ушбу асарда маънавиятимизнинг жавҳари бўлмиш муқаддас ислом динига берилган таърифлар ҳам чукур илмий-фалсафий асосга эга экани билан ажралиб туради. Муаллиф динимиз эзгулик, тинчлик, меҳр-оқибат дини эканини уқтириб, бундай деб ёзади: «**Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чукур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз»** (36-бет).

Муаллиф ислом динининг моҳияти ҳаққонийлик ва покликка чорлаши, бинобарин, у ҳамиша эзгуликка, бағрикенгликка, халқ маънавиятини юксалтиришга, руҳий камолотга хизмат қилиши зарур эканини ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан изоҳлаб беради, юртимиз заминидан етишиб чиққан буюк алломаларимиз орзу қилган ҳақиқий исломий маънавият қандай бўлиши кераклигини холис баён этади.

Маълумки, бугунги кунда ислом динини ниқоб қилиб, ўзларининг гаразли мақсадларига эришишга уринаётган ҳар хил фирм-

лар билан муқаддас динимиз ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Китоб муаллифи бу ҳақда жуда куйиниб, дину диёнатимизни бузадиган бундай ҳолатларга қарши доимо сергак ва ҳушёр туриш, бу каби ҳаракатларга ҳеч қачон йўл қўймаслик зарурлигини алоҳида уқтириб ўтади. Бунинг учун аввало тинчлик, меҳр-оқибатни ўзида мужассам этган динимизни ана шундай хуружлардан асраб-авайлашга ундейди: «**Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хурож ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда**» (37-бет).

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида дунёдаги нуфузли ташкилот бўлмиш Ислом конференциясининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши халқимизнинг муқаддас динимиз ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасининг яна бир эътирофи экани фуур ва ифтихор туйғулари билан баён қилинади.

Ҳаммамизга маълумки, бундан 18–20 йил аввал, мустабид шўро даврида ислом мадания-

ти, мусулмон дини ва унинг қадриятлари ҳақида гапиришнинг ўзи мумкин эмас эди. Умуман, дин ҳақида, иймон ҳақида сўз айтиш сал бўлмаса жиноят ҳисобланарди. Алҳамдулилаҳ, истиқлолимиз шарофати билан ва Ўртбошимизнинг доимий эътибори натижасида жуда қисқа даврда юртимиз, унинг бош шаҳри бўлмиш Тошкент Ислом маданияти пойтахти, яъни дунёдаги халқлар ўртасида ўз ота-боболарининг дини, мероси, тарихи ва маданиятини кўз қорачифидек асраб-авайлаш бобида бошқаларга ибрат ва намуна бўла оладиган халқнинг азим шаҳри сифатида дунё жамоатчилигининг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Асарда бу ҳақда катта ифтихор ва мамнуният билан фикр юритилар экан, ислом маданияти равнақи ва тараққиётiga мислсиз ҳисса қўшган ватандошларимиз И мом Бухорий, И мом Термизий, эътиқод илмининг алломаси И мом Мотуридий, дин ва миллатнинг ҳужжати Бурҳониддин Марғиноний, буюк азиз-авлиёларимиз Абдулхолик Фиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби мумтоз зотлар ҳақида халқимиз, айниқса ёшлиаримиз учун ниҳоятда чуқур ва ибратли фикрлар баён этилади.

Айни пайтда китобда дунёвий ва диний илм-маърифатни ўзида мужассам этган улуг аждодларимиз – Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улугбек, Абу Райҳон Беру-

ний, Ибн Сино каби алломаларнинг ҳаёти ҳар қанча фахрланишга муносиб экани аниқ ҳужжат ва далиллар асосида таъкидлаб ўтилади.

Айниқса, Амир Темур бобомизнинг халқимиз маънавий хазинасини бойитиш ва янги босқичга кўтаришга қўшган беназир ҳиссаси ҳақида шу вақтга қадар айтилмаган янги фикр ва маълумотларнинг баён қилингани foятда эътиборга сазовор, деб ўйлаймиз.

Маънавиятимизнинг яна бир буюк даҳоси, биз учун иймон-эътиқод, халқпарварлик, эзгулик, поклик ва донишмандлик тимсолига айланиб кетган ҳазрати Алишер Навоий ҳақида ҳам китобда алоҳида самимият, улкан меҳр ва эътироф, айни вақтда миннатдорлик туйғулари билан фикр юритилади. Биз ақлимиизни таниганимиздан буён мутафаккир шоиримиз ҳақида не-не таъриф ва тавсифларни эшифтмаганмиз. Лекин, очиқ тан олишимиз керакки, бу асарда Алишер Навоий ҳақида энг гўзал таъриф айтилган: «Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир» (47-бет).

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида яна бир муҳим масала – жамиятимизнинг моддий ва маънавий тараққиёти йўлида тўсиқ бўладиган иккита катта гуноҳи қабира, яъни лоқайдлик ва ҳасад ҳақида жуда ўринли фикрлар

билдирилган. Тарих шуни күрсатадики, лоқайдлик ва бепарволик ҳукм сурган юрт ҳеч қачон тараққиётга эришмаган ва эришмайди ҳам. Бундай иллатта қарши зийрак ва хүшёр бўлишимиз, лоқайдликка нисбатан лоқайд бўлмаслигимизни муаллиф алоҳида таъкидлайди: «**Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб кўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳүшёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади**» (116-бет).

Шунингдек, ҳасад иллати ҳам ижтимоий муносабатларни издан чиқарадиган, жамият, оила, ёру дўстларнинг орасини бузадиган, ахлоқсизлик ва андишасизлик, ёлғон ва алдов каби манфур иллатларни авж олдирадиган энг катта гуноҳлардандир. Ҳадиси шарифда: «Ҳасад билан иймон бир қалбда жамланмайди», дейилади. Демак, ҳасади бор кишининг иймони ҳам, маънавияти ҳам бўлмайди.

Айтиш керакки, китобда баён қилинган, мөхияти ҳар томонлама очиб берилган бундай дол зарб масалалар бугун ёшларимиз тарбиясида сув билан ҳаводек зарур. Шунинг учун ҳам «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби халқимизнинг маънавий юксалиши учун хизмат қиласиди-

ган муборак бир асар, десак, албатта, тўғри бўлади.

Маълумки, қадимдан юртимизда мўътабар китобларни оила даврасида ота-оналарнинг фарзандларига, мактаб ва мадрасаларда устозларнинг талабаларига ўқиб, мағзини чақиб бериш анъанаси бўлган. Шунинг учун бу китобнинг маъно-мазмунини фақат оммавий ахборот воситалари ва расмий анжуманлардаги чиқишларимизда шарҳлаш билан кифояланиб қолмасдан, халқимизнинг руҳига мос бўлган ана шундай анъаналаримиз ёрдамида ҳам эл-юртимизга, айниқса ёшларимизга етказсак, иншооллоҳ, маънавиятимиз бундан ҳам юксак, иймонимиз бақувват бўлишига эришамиз. Китобни қайта-қайта ўқиб тафаккур қилсак, бу фикрга ўзимиз ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлайман.

**Анвар қори ТУРСУНОВ,  
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби**

## **БИЗ КУТГАН КИТОБ**

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби умумий тузилиши, маъно-мазмуни, ифода услубига кўра содда ва равон тилда, кенг китобхонлар учун мўлжаллаб ёзилган асардир. Айни пайтда у ёритилган мавзуси, ўртага қўйилган муаммо ва масалалари, тадқиқот обьекти, илмий-назарий хусусиятлари нуқтаи назаридан гоят кенг қамровли, мураккаб ва серқирра, шу билан бирга, ўзига хос ноёб асар эканини кўпгина мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, инсоннинг нафақат ички олами, балки жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий фаолиятидан тортиб, унинг шахсий турмуш тарзи, ҳаракат ва интилишларини қамраб оладиган маънавият ҳодисасининг ўзи шу пайтгача илму фанда чуқур ва фундаментал асосда ёритилиб, тадқиқ этилмаган. Маълумки, Шарқ ва Farb оламида давлат ёки жамият, одил ҳукмдор, ҳалқ ва миллат, дунёning ўткинчилигию руҳнинг абадийлиги тўғрисида, инсон ҳақида, иқтисодиёт, фалсафа, маданият, адабиёт ва санъат ҳақида – хуллас, одамзотнинг тақдири-

га бевосита дахлдор бўлган масалалар бўйича қўплаб фундаментал асарлар яратилган. Лекин маънавият феноменини дунёвий нуқтаи назардан, илмий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама тадқиқ этадиган мукаммал асар бизда шу пайтга қадар яратилмагани – айни ҳақиқат. Бу ҳақда гапиргандা, бунинг бир қанча ижтимоий-тариҳий, илмий-назарий сабаблари борлигини тарькидлаш ўринлидир.

*Биринчидан*, инсон ҳаётининг узвий қисми бўлган, унинг учун сув ва ҳаво каби доимий эҳтиёжга айланиб кетган маънавият ҳодисаси ҳеч қачон ҳозиргидек жиддий хавф остида қолмаган эди. Бугунги кунда маънавиятга қарши қаратилган таҳдид ва хатарлар – бу авваламбор инсониятнинг ўзига қарши қаратилган кескин таҳдид ва тажовуз экани тобора аён бўлиб бормоқда. Бу хатарларнинг қанчалик даҳшатли эканини очиб бериш учун одамзот ўз ақлини таниган замонлардан бошлаб қатрама-қатра, мисқоллаб тўплаб, асрраб-авайлаб келаётган илоҳий мўъжиза – маънавиятнинг асл моҳиятини кўрсатиш, таҳлил этиш гоят ўткир заруратга айланмоқда. Чунки башарият ўз ҳаётини, ўзининг қудрати, ақл-заковати билан бунёд этган буюк цивилизация ютуқларидан ҳозирги вақтда ўз тасаруфида бўлган ялпи қирғин қуроллари ёки оддий нодонлик туфайли юз бериши мумкин бўлган технологик, экологик фалокатлар, ах-

лоқиј бузилишлар орқали жудо бўлиши ҳеч гап бўлмай қолди. Бундай ҳалокатнинг олдини олиш учун инсониятни огоҳ этиш, аввало, унинг маънавий-руҳий дунёсини уйғотиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

*Иккинчидан*, биз 70 йилдан зиёд вақт мобайдида материя ва моддий қадриятлар асосий ўринга қўйилган, маънавий ҳаёт инкор этилган атеистик тузумни ва унинг фожиаларини бошдан кечирдик. Бинобарин, маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётида қандай муҳим ўрин тутишига, бу масалага эътибор бермаслик қандай машъум оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ҳаётнинг аччик тажрибалари асосида ишонч ҳосил қилдик. Энди ана шу ўтмиш асоратларидан қутулиб, асл миллий ўзлигимизга қайтаётганимиз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга эришиш, турли таҳдид ва хуружларга мустаҳкам қарши туриш йўлида маънавиятдан қудратли қурол сифатида фойдаланиш зарурати авваламбор бу ҳодисани ҳар томонлама тушуниш ва англашни кун тартибига жиддий вазифа қилиб қўйгани табиий, албатта.

*Учинчидан*, маънавият ҳодисасига холис ва ҳаққоний баҳо бериш, унинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва ролини ҳар томонлама чуқур ёритиш учун инсон бу мўъжизани ҳамиша ўз ҳаётининг устувор қадрияти сифатида улуғлаб келган буюк ҳалқ ва миллатга мансуб бўлиб,

ана шу муқаддас заминдан озиқланиб яшаган бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ҳалқимизнинг онгу тафаккурида маънавият сўзи нихоятда улкан ва серқирра маънога эга бўлиб, у билан боғлиқ ижтимоий мазмун ва амалий фаолият мезонлари ҳаётимизнинг барча соҳаларини белгилайди ва бу тушунчанинг моҳиятини очиб бериш учун асос бўла олади.

*Тўртинчидан*, маънавиятнинг таркибиға кирадиган инсонийлик, адолат, ҳақиқат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, вафо ва садоқат, дину диёнат, анъана ва қадриятлар ҳақида янги-янги асарлар яратилмоқда. Лекин уларнинг барчасини ўзида бирлаштирадиган инсон ва ҳалқ маънавияти ҳақида яхлит асар ёзиш, унинг хусусият ва аломатларини очиб беришга унча-мунча одам журъат қилолмайди. Қолаверса, кўпчилик шу пайтга қадар ана шу жузъий ҳодисаларнинг ўзи ҳам маънавиятни акс эттиради, маънавиятнинг нима эканини шулар тимсолида билиб олиш мумкин, бинобарин, бу кенг миқёсли тушунчани маҳсус тадқиқ этиш шарт эмас, деган бирёқлама қарааш билан кифояланиб юрар эди.

*Бешинчидан*, маънавиятни ҳамма ҳам ҳис этиши мумкин. Лекин ўта нозик ва мураккаб бўлган бу ҳодисани доимий ва муттасил ҳаракатдаги жараён сифатида ҳар томонлама тушуниш, бошқаларга ҳам илмий ва ҳаётий асосда тушунтириб бериш учун алоҳида тайёргарлик, тажри-

ба, маҳсус билим, теран тафаккур ва замон талабларини ўзига сингдириб олган инсоний қалб бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Зеро, давр руҳи, замон талаблари, ижтимоий тараққиёт тамойиллари ва инсоният ривожининг ҳаракатлантирувчи кучлари теран англаб олинганида миллат ва жамият тақдирига катта таъсир кўрсатувчи муаммолар ечиб бериладиган ниҳоятда муҳим асарлар дунёга келиши тарихий ҳақиқатдир.

Ана шу ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб объектив ва субъектив омиллар мужассам бўлгандагина маънавият ҳодисасини теран таҳлил этиш ва шу асосда бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда муҳим сабоқ ва холосалар чиқариш мумкин эканини «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби яққол исботлаб турибди.

Муаллифнинг кўп йиллик кузатишлари, фикр ва мулоҳазалари маҳсули бўлган, ҳар томонлама теран илмий ва ҳаётий қарашларга асосланган ушбу китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, унда маънавият соҳасига оид қонун ва категориялар, тушунча ва тамойиллар яхлит бир тизим сифатида таҳлил этилган. Айтиш мумкинки, шу асосда маънавиятнинг мазмун-моҳияти, унинг инсон ва жамият, миллат ва давлат тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида яхлит илмий-фалсафий, назарий-методологик таълимот яратилган.

Эътиборга сазовор яна бир жиҳати шундаки, китобда кўтарилиган муаммолар, илгари сурилган фоя ва қарашлар, турли масалалар юзасидан баён қилинган фикр-мулоҳаза ва хуносалар нафақат бир миллат, жамият ёки давлат, балки бутун башариятта хос бўлган умуминсонийлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида ёритиб берилган. Маънавият тушунчасининг маъно-мазмуни ва у билан боғлиқ масалалар дунёдаги барча халқлар ва миңтақалар учун умумий бўлган глобал муаммо сифатида тавсифлангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Энг муҳими, муаллиф ушбу соҳа билан боғлиқ муаммоларнинг туб сабаб ва илдизлари ҳақида фикр юритар экан, бугунги реал ҳаёт талабларини доимо эътибор марказида тутади, асосий мақсад инсон ва унинг маънавиятини асрар эканини қайта-қайта таъкидлайди. Бу борадаги фикрларини кўплаб мисоллар орқали исботлаб, кучайтириб боради. Айниқса, истиқлол йилларида юртимиизда маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган улкан ишлар ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифалар теран таҳлил этилиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиётига хизмат қиласиган янги фоя, фикр ва хуносалар баён этилгани китобнинг амалий руҳи ва аҳамиятини янада оширган. Асарда бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужуд-

га келаётган ўткир муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Китобнинг муқаддимасида таъкидланганидек, маънавият башарият тарихининг барча даврларида ҳам ҳар қайси халқ ва миллат тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнаган, кишиларни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштирган бунёдкор куч, одамзотнинг юксак фазилатларини ўзида мужассам этган бебаҳо бойлик бўлиб хизмат қилиб келган. Шунинг учун ҳам муаллиф ижтимоий-иқтисодий ва технологик тараққиётда муваффақиятга эришган бўлса-да, аммо ўз тарихи, маънавий-маърифий мероси, азалий урф-одат ва қадриятларига беэътибор бўлган давлат, эртами-кечми, барибир, таназзулга юз тутиши муқаррар экани, аксинча, ана шу бебаҳо бойлика таяниб, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб ва бойитиб, бўлғуси авлодларга безавол етказиб беришга қодир жамият ҳар жиҳатдан тараққий этишини алоҳида қайд этади.

Муаллиф катта дард ва изтироб билан барчамизни бугунги маънавий таҳдидлардан огоҳ этар экан, ҳеч қандай чегара билмайдиган, аввало инсоннинг қалби, онгу тафаккурини эгаллаб оладиган, нафақат бир миллат, бир давлат, балки дунёдаги барча миллат ва элатлар учун

хатарли бўлган маънавий бузилишнинг глобал муаммога айланиб бораётганидан хавотирга тушади. Негаки, ҳарбий қуроллар билан амалга ошириладиган босқинни кўриш, кузатиш, англаш мумкин. Иқтисодий тажовузни статистик маълумотлардан билиб олиш мумкин. Лекин маънавий таҳдидларни, бутун-бутун худудларни, инсонларнинг ички оламини бўйсундириш учун сездирмасдан, пинҳона қилинаётган таҳдидларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш учун қандай йўллардан бориш, қандай воқиталарни ишга солиш зарурлиги, ҳақиқатан ҳам, ҳозирги пайтда ҳеч кимни бепарво қолдирмаслиги кераклиги давр талабига айланди.

Асарнинг «Маънавият — инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир» деб номланган биринчи бобида «маънавият» тушунчасининг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, назарий ва амалий томондари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хуносалар орқали таҳлил этилган. Мазкур тушунчага илмий-назарий жиҳатдан асосли таъриф берилган. Назаримизда, бу таърифда инсониятнинг маънавий тараққиёт жараёнида вужудга келган илфор умумбашарий қарашлар, жумладан, буюк аждодларимизнинг гоя ва таълимотлари билан бирга, бугунги шиддатли давр воқелигига хос тамойил ва мезонлар ҳам ўз ифодасини топган.

Айниқса, глобаллашув тобора чуқурлашиб, бозор муносабатлари жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида қарор топиб бораётган ҳозирги вақтда иқтисодий ривожланиш суръатлари нинг маънавий такомиллашув жараёни билан уйғунлашуви мұхим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, китобда башарият тарихидаги буюк алломаларнинг бу борадаги қарашлари, замонавий концепцияларнинг атрофлича таҳлили асосида моддий ва маънавий омиллар ўзаро уйғун ва муштарак ҳодиса сифатида талқин этилган. Бундай ёндашувнинг бундан қарийб икки ярим минг йил муқаддам яшаб ўтган буюк файласуф Сүкротнинг жамият ҳаёти ва унинг ривожида маънавий қадриятларнинг аҳамияти ҳақидаги қарашларига, улуғ аллома боболаримизнинг маънавий-ахлоқий фазилатларнинг инсон ва жамият тараққиётида тутган ўрни хусусидаги таълимотларига нақадар ҳамоҳанг экани муаллифнинг масалани нечоғлиқ кенг аспектда қўйгани ва унга тарихий жиҳатдан ҳам, замонавий нуқтаи назардан ҳам тўғри ва асосли ечим топганидан далолат беради.

Китобнинг «Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш» деб номланган иккинчи бобида мамлакатимизнинг истиқбол йилларидағи тараққиёти, миллий гоянинг маъно-мазмуни, унинг асосий тушунча ва тамойиллари, маънавий ҳаёт билан диалектик боғлиқлиги, жамия-

тимиз ҳаётини эркинлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида маънавиятнинг ўрни ҳам улкан тафаккур соҳиби, ҳам ҳаёт синовларида тобланган йирик давлат арбоби нигоҳи орқали кўрсатиб ўтилади. Юртимизда маданият, таълим, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини тараққий этитириш борасида амалга оширилаётган ва келгусида қилинажак ишлар атрофлича таҳлил этилиб, бу борадаги мақсад ҳамда вазифалар аниқравшан белгилаб берилади.

Китобнинг «Маънавиятта таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид» деб номланган кейинги бобида глобаллашув жараёни, унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари, хусусан, бугунги кунда мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида айрим сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилаётгани, ушбу жараён орқали миллий қадриятларимизга ёт фоя ва қарашлар ёпирилиб кираётгани ва улар эртага қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳаётий мисоллар асосида баён этилади. Китобда ҳақли равишда таъкидланганидек, бундай таҳдидларга қарши фақат ҳар томонлама чукур ўйланган, пухта ва илмий асосда ташкил этилган, мунгозам ва узлуксиз тарзда олиб бориладиган маънавий тарбия, яъни фикрга қарши фикр, фояга қарши фоя, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш, курашиш мумкин.

Асарда қайта-қайта ўқиган сари янги-янги маъно қатламлари очиладиган, ўз юртининг келажагини ўйлаб яшайдиган ҳар қайси инсон юракка жо қилиб олиши лозим бўлган ҳикматли ва ибратли ўринлар кўп. Масалан, 1993 йилда Тошкент шаҳрида Амир Темур хиёбонида ўрнатиладиган ҳайкал лойиҳаси муҳокама қилинганида Соҳибқироннинг қўлида найза эмас, балки отнинг жиловини ушлаб турган ҳолат тасвирланиши тўғрисида муаллиф томонидан билдирилган қўйидаги фикрлар қалбида миллий фурур туйғуси бўлган ҳар қандай юртдошимизнинг эътиборини ўзига тортиши табиий: «Салтаатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг қўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини кўлда тутиб туришни англатади» (152-бет).

Чиндан ҳам, инсоният тарихи айрим хукмдорлар салтанат жиловини мустаҳкам тутиб туролмаган, иродасизлик қилган ҳолатларда музайян мамлакат ва халқнинг қанчадан-қанча фожиаларга дуч келганига кўп гувоҳ бўлган. Узоққа бормасдан, кейинги даврларда собиқ иттифоқ ўрнида шаклланган баъзи мамлакатларда рўй берган шунга ўхшаш ҳодисаларни эслайлик. Турли хомхаёллардан иборат «демократия оролчаси»ни барпо этиш ҳақидаги қуруқ даъволарга зўр бериб, амалда бошқариш жилови қўлдан чиқарилган давлатлар охир-оқибатда

қандай аҳволга тушиб қолгани кўпчиликка яхши маълум. Бизда эса истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, давлат – бош ислоҳотчи деган та-мойилга қатъий амал қилиб келинаётгани юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ўзгаришлар жараёнини босқичма-босқич амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Китобнинг «Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори» номли бобида юксак маънавиятни шакллантиришда инсон қалбига йўл очадиган омиллар тўғрисида фикр юритилади. Бунда таълим-тарбия, телевидение ва оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлиқ, яъни инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган соҳалардаги фаолиятни замон талаблари асосида ривожлантиришнинг амалий масалаларига эътибор қаратилади. Юксак маънавият соҳиблари бўлган алломалар, олим ва зиёлилар ҳаётидан ҳаётий мисоллар келтирилади.

Муаллиф маънавият оламининг улкан аҳамияти, бугунги кунда унга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида огоҳлантириар экан, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган мураккаб ва таҳликали замонда эл-юрт, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиб, келажак авлод-

ни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни белгилаб беради.

Китобда ҳар биримиз учун ниҳоятда зарур бўлган, ер юзида кечаётган жараёнларга, мамлакатимиздаги воқеаларга дахлдорлик туйфуси билан яшаш, ҳеч қачон беғамлик ва бефарқликка берилмаслик ҳақида куйиниб фикр юритилади. Бу борада машҳур файласуфлардан бирининг китобда келтирилган қуйидаги фикрлари дикқатга сазовордир: «**Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади**» (124-бет).

Ҳақиқатан ҳам, бугун бизнинг бефарқ ва бепарво бўлиб яшашга ҳаққимиз йўқ, чунки юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлар нафақат бизнинг, балки фарзандларимизнинг тақдирни ва келажагини ҳал қиласиди. Шунинг учун ҳам она заминимизда яшаётган ҳар қайси онгли фуқаро янги ҳаёт қурилишида фидойилик кўрсатиб, фаол иштирок этиши лозим.

Мазкур китобда ижтимоий фанлар тарихида илк бор маънавиятнинг тарихий тараққиёт билан боғлиқ қуйидаги умумий қонунияти асослаб берилган: яъни, жамият ҳаётининг ҳар қайси

даври ёки ривожланиш босқичига маънавиятнинг маълум бир тамойиллари ва маънавий қадриятлар тизими мос келади. Агар давр ўзгарса, жамият ўзгача тараққиёт босқичига ўтса, маънавий мезон ва қадриятлар тизими ҳам ўзгарида, аста-секин янги замонга мос янгича тизим ҳосил бўлади. Инсоният ва миллат, давлат ва жамият бор экан, ушбу жараён тўхтовсиз давом этаверади.

Асарда бу қонуният мустақил мамлакатимизнинг истиқлол йилларида маънавият соҳасида қўлга киритган ютуқлари мисолида ёрқин ифодалаб берилган. Ҳозиргача бу йўналишда чоп этилган бошқа китобларнинг бирортасида мазкур қонуният, унинг умумбашарий, минтақавий ва миллий жиҳатлари ҳамда амалиётда намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисида фикр юритилмаган эди. Бу эса биз тавсифлаётган асарнинг илмий-назарий аҳамиятини янада оширади. Шу маънода, мазкур китоб барча ижтимоий фанлар учун методологик манба, маънавиятшунослик йўналишидаги мутахассис ва тадқиқотчилар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қиласи.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Юргбошимиз ташабbusи билан «Маънавият асослари» фанининг таълим тизимига жорий қилинганига 10 йилдан ошиди. Ҳозирги пайтда истиқлол йилларида шаклланган «Маънавиятшунослик» фани мамлакатимиз-

даги ижтимоий фанлар тизимининг таркибий қисмига айланди. Буни олий ўқув юртларида «Маънавият асослари» кафедраларининг мавжудлиги, ушбу фаннинг мактаблар, лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртларида ўқитиляётгани, шу йўналишда бакалавр ва магистрлар тайёрланаётгани ҳам тасдиқлайди.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби ана шу тизимга мансуб бўлган «Маънавият асослари», «Маънавият тарихи ва назарияси» ва «Маънавиятшунослик» йўналишлари учун ҳам методологик манба, асосий таянч бўлиши шубҳасиз.

Яна бир эътиборли жиҳати – ўзининг ҳақиқий мазмун-моҳиятига эга бўлган «маънавият» атамаси бугунги кунда нафақат бизнинг мамлакатимиз ва тилимизда ишлатилмоқда, балки хорижий тилларга ҳам таржимасиз қабул қилиниб, катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Масалан, инглиз тилидаги лугатларда ушбу тушунчанинг лотин алифбосида «manaviyat» тарзида ёзилиб, изоҳланаётгани ҳам шундан далолат беради. Иккинчидан, бу тушунчанинг истиқдол туфайли умуминсоний тушунчалардан бирига айланиб, миллий ўзлигимизнинг яна бир тимсоли сифатида дунё халқлари тафаккуридан мустаҳкам жой олаётганини исботлайди.

Шундай экан, «Маънавиятшунослик» фанининг шаклланишини тугал ҳолатга келтириш

учун бу соҳада аспирант ва докторант мутахассисларни тайёрлаш, ушбу ихтисосликни номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинадиган йўналишлардан бири тариқасида белгилаш, фаннинг ўзини эса мутахассислар тайёрланадиган фанлар классификаторига киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу эса, табиийки, мазкур фаннинг янада оммалашуви, унинг бошқа мамлакатлардаги ана шундай классификаторларга киритилиши, айнан шу соҳада маҳсус тадқиқотлар олиб борилиши, шу орқали халқимизга хос маънавий фазилатларни чуқур ёритиш учун янада кенгроқ имконият яратган бўлур эди.

Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидаги тушунча ва тамойилларни шарҳлашда уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин этган ҳолда, асарнинг руҳи ва фалсафасига мос тадқиқотлар олиб бориш, илмий асарлар ва ўкув адабиётларини ҳам мазкур қўлланма асосида тайёрлаш муҳим ва масъулиятли вазифаларимиздан биридир. Бунинг учун, аввало, ҳар биримиз ушбу китобни чуқур ўрганишимиз, унинг маъно-мазмунини қалбимиз ва онгимизга сингдириб, ҳаётда ҳам, ижтимоий фаолиятда ҳам унда баён қилинган фикр ва қарашлар, амалий мақсад ва вазифаларга тўла амал қилишимиз даркор. Бу эса аҳоли-

нинг барча қатламлари онгига китобдан ўрин олган фоя ва хулосаларни сингдириш, шу соҳадаги тарғибот ва ташвиқот ишлари самарасини янада оширишни биз, зиёлилар олдига муҳим вазифа қилиб қўяди.

Бир ҳақиқатни доимо ёдда тутишимиз керак. Асар ниҳоясида алоҳида таъкидланганидек, «...маънавият қотиб қолган ақидалар йигиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади» (171-бет). Китобда бу борадаги долзарб вазифалар ҳам белгилаб берилган. Чунончи, маънавият билан боғлиқ жараёнларнинг илмий-назарий асосларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимиз ва кенг жамоатчиликка содда ва лўнда қилиб тушунтириб бориш, тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши – жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маънавий муносабатларнинг ривожи ҳақида маҳсус адабиётлар яратиш тизимини янада такомиллаштириш каби масалалар шулар жумласидандир.

Айниқса, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимиз-

га, ҳаёт тарзимизга зид бўлган заарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқарааш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Китоб бу соҳада ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишларни янги босқичга кўтариш учун муҳим илмий-назарий манба бўлиши шубҳасиз.

Китобда ёритилган ва ўртага қўйилган масалаларнинг ғоят долзарблиги, бу асар ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш билан бевосита боғлиқ эканини ҳисобга олиб, умумтаълим мактабларининг юқори синфлари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўкув юртларида бу асарни маҳсус курс сифатида ўқитиш, «Одбонома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунига унинг ғояларини сингдириш, айни пайтда бу асар асосида раҳбар ходимлар малакасини ошириш, уларнинг маънавияти ва дунёқарашини юксалтиришга қаратилган маҳсус ўкув курсларини ташкил этиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўз-ўзидан равшанки, маънавият ва миллий ғоя йўналишида чоп этиладиган лугатлар, ўкув-

методик қўлланмалар ва бошқа адабиётларни ушбу китобнинг маъно-мазмуни асосида қайта кўриб чиқиши ва такомиллаштириш ҳам долзарб масаладир. Буларнинг барчаси маънавий тарбия, ғоявий-маърифий ишлар ҳамда тарғибот-ташвиқот соҳасида зиммамиизда катта ва маъсулиятли вазифалар турганидан, бутун куч-қувватимизни ана шу масалаларни бажаришга сарфлашимиз лозимлигидан далолат беради.

**Қиёмиддин НАЗАРОВ,**  
*фалсафа фанлари доктори*

---

## ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА ДАЪВАТ

Одамзот жамиятни қандай қилиб уйғун асосда ривожлантириш, мамлакатни қудратли ва обод қилиш, инсонни эркин ва баҳтли этиш түғрисида қадим-қадим замонлардан буён бош қотириб келади. Ҳар бир тарихий давр кун тартибиға күйган бу мураккаб саволларга олим ва файласуфлар, сиёсатчи ва давлат арбоблари ўз билим ва тажрибаси, ўзи мансуб бўлган давр нуқтаи назаридан жавоб излаган. Чунончи, қадимий хитой донишмандлари Конфуций ва Лао Цзи, юонон файласуфлари Платон ва Аристотель, буюк мутафаккир аждодларимиз Форобий ва Ибн Сино каби алломаларнинг асарларини, Амир Темур ва Улугбек каби буюк давлат арбоблари-нинг сиёсий фаолиятини бу саволларга конкрет тарихий шароитдан келиб чиқиб берилган назарий ва амалий жавоблар сифатида қабул қилиш мумкин. Табиийки, тарихда улардан бошқа яна қанчадан-қанча мутафаккир ва арбоблар ҳам бу масалаларга муайян тарзда муносабат билдириб ўтган.

Глобаллашув ва ахборот асри бўлган бугунги даврда, албатта, халқлар ва мамлакатлар ўрта-

сидаги алоқалар ниҳоятда кучайиб, бекиёс ранг-баранглик ва мураккаблик касб этмоқда. Бундай шароитда жамият тараққиётига таъсир кўрсатадиган янги омиллар пайдо бўла бошлади. Уларнинг барчасини теран англаб, таҳлил қилиб, амалий сиёсатда ҳисобга олиш Ўзбекистонда ҳукуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда, давр даъватларига тўла жавоб бера оладиган баркамол авлодни вояга етказишда, ҳеч шубҳасиз, ўта муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари ана шу ҳаётий заруратга жавоб сифатида дунёга келган.

Жамият ва инсон эҳтиёжлари шунчалик хилма-хил ва мураккабки, улар орасидан энг муҳимларини ажратиб кўрсатишнинг ўзи мушкул. Инсон яшashi, бола-чақаси ва рўзгорини боқиши учун барқарор даромад манбаига эга бўлиши лозим. Оч одамнинг қулоғига қўшиқ ҳам, панд-насиҳат ҳам кирмайди, гўзаллик ҳам, санъат асари ҳам қўзига кўринмайди. Шу сабабдан, китобда ҳаққоний эътироф этилганидек, «аввал иқтисод» деган тамойил инсон ва жамият ҳаётида ҳамиша долзарб бўлиб келган. Айни пайтда инсон фақат қорнини ўйласа, нафс қулига айланади, эзгулик ва ёвузликнинг фарқига бормай қолади, ундаги ҳайвоний майллар инсонийликдан устун келади. Шу боис маънавият, маънавий юксалиш ҳам ўта долзарб масала.

Лекин, башарият тарихи шуни күрсатадыки, моддий ва маънавий эҳтиёжлар ҳамма замонларда ҳам бир хилда мутаносиб ривожлантирилмаган. Натижада жамият бир томонлама тараққий этиб, охир-оқибатда күплаб чигал муаммолар гирдобида қолиб кетган. Одамзот қанчалик ҳаракат құлмасин, моддий ва маънавий ҳаёт ўртасида мутаносиб уйғунлик ўрнатиш йўлларини топа олмаган ёки тарихий вазият бунга имкон бермаган. Қачон ва қайси давлатда жамият ҳаётининг устувор йўналишлари ҳисобга олинса, ўша жойда тараққиёт юз берган. Хорун ар-Рашид, айниқса, халифа Маъмун даврида ислом цивилизацияси ва маданияти тез тараққий этган. Буюк бобомиз Амир Темур фаолиятида ҳам иқтисодиёт, хунармандчилик ва ободончилик билан бир қаторда адолатни қарор топтириш, дину диёнат, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, хуллас, маънавиятта катта эътибор қаратылған.

Мустақилликка эришган илк кунларимиздан бошлаб юртимиизда жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланишига, ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада буюк аждодларимиз бошлаб берган анъаналар замон талаблари асосида давом эттирилмоқда ва моддий-иктисодий омиллар билан бир қаторда маънавий омиллар ҳам устувор аҳамият касб этмоқда.

Табиийки, «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида бу йўлда эришилган бой ва ибратли тажриба умумлаштирилган, шу асосда муҳим назарий хulosалар чиқарилган.

Маълумки, инсон жамиятда юз берадиган барча ўзгаришларнинг, тараққиётнинг бош мақсади ва асосий ижодкори, амалга оширувчи кутидир. Бугунги кунда мамлакатимизда «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган даъват шунчаки шиор эмас, балки янгиланиш жараёнининг, бунёдкорлик ишларимизнинг реал ифодасига айланниб бормоқда.

Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, инсон ижтимоий жиҳатдан фаол яратувчи бўлиши учун эркин ва ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимларни пухта эгаллаган, ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўғри англаб, тўғри қондира оладиган бўлмоғи лозим. Агар моддий бойликлар, иқтисодиёт жамиятнинг вужуди бўлса, маънавият унинг руҳи, ақл-заковати ва қалбидир. Уларнинг ҳеч бири алоҳида ривожлана олмайди, аксинча, бир-бирiga суюниб ва таяниб тараққий топади. Шунинг учун ҳам юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ моддий ва маънавий ҳаётни ўзаро уйғун ривожлантириш шунчаки илмий-назарий эмас, балки стратегик – эътибор беринг – стратегик вазифа сифатида белгилаб олинди.

Китобда шу муносабат билан «япон мўъжизаси» ва «корейс мўъжизаси»нинг маъно-моҳияти таҳдил этилиб, моддий ва маънавий қадриятларни уйғун ривожлантиришнинг ўзига хос фалсафаси, амалий масалалари кенг миқёсда очиб берилган. Бу эса жамиятшунослик фанини янгича қарашлар билан бойитишда фоят муҳим ўрин тутади.

Муаллиф азалий қадриятларимиз ҳақида фикр юритар экан, меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат каби тушунчаларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул эканини таъкидлайди. Айнан ана шундай ноёб қадриятлар, масалан, жамоавийлик туйғуси халқимизнинг маънавий қиёфаси, дунёқараши, феъл-авторининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатганини асослаб беради. Китобда турмуш ва тафаккур тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган шундай азалий тушунчалар минтақамизда яшаб ўтган Алишер Навоий, Рудакий, Абай, Махтумқули, Тўқтагул каби улуг алломалар, мутафаккир зотларнинг бебаҳо меросида ҳам ёрқин акс этгани ҳаққоний қайд этилади.

Муаллиф инсониятнинг кўп мингийиллик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маънавият миллатни ва инсон эркинлигини нафақат юксалтирувчи, балки уни турли тажовузлардан сақловчи, муҳофаза этувчи қудратли куч экани

ҳақидағи гояни илгари суради. Бу гоя китобнинг номида ҳам ўз ифодасини топган.

Шу маънода, қуйидаги фикрлар диққатта сазовор: «Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалла-моқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни, энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади» (*11-бет*). Шундан сўнг «маънавий таҳдид» тушунчасининг мазмун ва моҳияти очиб берилади. «Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, – деб ёзади муаллиф, – ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман» (*13–14-бетлар*).

Бу фикрлардан шундай хulosा чиқадики, маънавий таҳдид – аввало инсон эркинлигига қарши таҳдиддир. Бинобарин, маънавий таҳдидга қарши туриш – инсон эркинлигини ҳимоя қилиш демакдир.

Муаллиф ёт гоялардан, маънавий таҳдидлардан фақат миллий гоямиз, миллий-маънавий қадриятларимиз ёрдамида ҳимояланишимиз мумкин эканига яна бир бор ургу беради. Бунинг учун халқимиз, айниқса, ёшлар онгига

уларни чуқур сингдириб, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш кераклиги ҳақида муҳим фикрларни илгари суради.

Бу асарда теран илмий-назарий умумлашманы холосалар акс этган. Шу билан бирга, муаллифнинг тафаккур тарзидаги чуқур илмийлик, назарий асос унинг ифода услубидаги соддалик ва равонлик, оддий ўқувчига ҳам тушунарли бўлган аниқ мисоллар ёрдамида баён этиш каби хусусиятлар билан чамбарчас боғланиб кетган.

Китобнинг яна бир муҳим фазилати – унда мантиқийлик ва тарихийликнинг доимо муштараклигидир. Яъни, асардаги ҳар бир холоса, илгари сурилган foя нафақат илмий-назарий ёки мантиқий жиҳатдан, айни пайтда кўплаб тарихий далил ва мисоллар ёрдамида ҳам исботланган. Муаллиф халқимизнинг қадимги маънавий ёдгорликлари бўлмиш «Авесто» китоби, «Алпомиши» достонидан тортиб, мумтоз ва замонавий аллома ва мутафаккирларимизнинг ноёб мероси ҳақида юксак ғуур билан фикр юритар экан, шунинг баробарида дунё халқларининг буюк на moyandalарини, уларнинг ёрқин асаллари, улкан кашфиётларини ҳам эслаб, ибратли мисоллар келтиради. Масалага бундай кенг қамровли ва холис ёндашиш китобга алоҳида жозиба бағишлиб, ундаги холосаларнинг ишончли ва асосли бўлишини таъминлаган.

Китобда тарих тақозоси билан бир пайтлар чуқур инқирозга тушиб қолган халқлар биринчи галда маънавият негизида юксалгани Япония ва Жанубий Корея халқлари мисолида кўрсатилади. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-кудрат манбай экани, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, баҳт ва саодат бўлмаслиги эътироф этилиб, «**маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак**» деган теран мазмунли хуносা чиқарилади. Шу тариқа инсон ва маънавият муштараклиги ва диалектикаси очиб берилади. Унга мувофиқ, инсон комил бўлиши, юксалиши учун маънавият юксалиши, инсон том маънодаги маънавий шахсга айланиши керак. Ўз навбатида, комил инсон юксак маънавиятни яратади, маънавиятни ривожлантиради. Шунингдек, асарда илгари сурилган инсон ва маънавият муштараклиги ҳақидаги концепция «Авесто»да келтирилган «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» билан боғлиқ қарашларни замон талаблари нуқтаи назаридан янада бойитади.

Маълумки, қадимда баркамол инсон ҳақида сўз борганда, бу масала асосан эътиқод, хулқатвор ва ахлоқ комиллиги нуқтаи назаридан таҳлил этилган, табиийки, шахснинг юксалиши учун жамият томонидан яратиладиган шарт-ша-

роит, объектив ижтимоий-иқтисодий имкониятлар, сиёсий хуқуқ ва эркинликлар масаласи четлаб ўтилган. «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида эса бу масалалар диалектик муштаракликда таҳлил этилган, шу асосда аниқ хулосалар чиқарилган. Бу эса муаллифнинг биз фақат аждодлар меросига маҳлиё бўлиб қолиш билан чекланмасдан, уни янада бойитиб, унга ўз ҳиссамизни қўшиб, замон билан ҳамқадам юришимиз, яъни дунёвий илм-фан ва технологияларни чуқур ўзлаштиришимиз керак, деган фикрларининг амалий тасдигидир.

Муаллиф миллий фоя тушунчасини ҳар қайси миллатнинг аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинаётган энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадлари билан боғлаб тушунтиради. Бундай ёндашиш ўтмишда баъзи мустабид мамлакатларда «миллий фоя» ниқоби остида ўртага қўйилган, бугун ҳам айрим мафкура полигонлари томонидан янгича шаклда илгари сурилаётган, моҳиятан тажовузкор фояларнинг (масалан, дунёнинг баъзи худудларини очиқдан-очиқ айрим құдратли давлатларнинг ҳаётий муҳим манфаатлари доирасига кирадиган мінтақа, деб эълон қилиш ёки «демократияни олға силжитиш» каби даъволар) миллий фоя сифатида қаралишини инкор қилади. Ҳақиқатан ҳам, туб негизида ғаразли мақсадлар мужассам бўлган бундай интилишларни

миллий фоя эмас, миллатчи, шовинистик фоялар сифатида баҳолаш ўринлидир.

Миллий фоя – этнографик тушунча эмас, яъни у Ўзбекистонда фақат ўзбекларнинг ёки бошқа бир давлатга тегишли титул – шу давлатга ном берган миллатнинг манфаатларини ифодалайдиган фоя эмас. Хусусан, Ўзбекистон учун юрган тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ана шундай стратегик вазифалар сирасига киради. Шу боис, китобда ёритилганидек, миллий фоямиз, биринчидан, шу юртда яшаётган, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган ана шу тушунчаларни ўз ичига олади. Мамлакатимиизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам ана шу орзу-интилишларни юзага чиқаришга қаратилган. Миллий фоямизнинг бошқа таркибий қисмлари – комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенглик тамойиллари ҳам шу мақсадларга хизмат қиласди.

Миллий фоя масаласига янгича ёндашув, унинг асосий тушунча ва тамойилларини ишлаб чиқиш, уларга илмий таъриф бериш борасидаги ҳар томонлама асосли концептуал қарашлари, илмий-методологик хulosалари муаллифнинг ҳозирги замон ижтимоий фанларига, хусусан, фалсафа, сиёсатшунослик ва назарий

**социология фани ривожига қўшган яна бир янгилигидир.**

Китобда ҳали мустабид шўро тузуми мавжуд бўлган пайтда, яъни, 1990 йилнинг 24 март куни Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилгани қайд этилиб, бу воқеа ҳақли равишда юртимизни мустақиллик сари бошлаган биринчи қадам, деб баҳоланади. Менимча, ушбу фикрнинг мазмун-моҳиятини ва тарихий аҳамиятини очиб бериш учун ўша пайтда сobiқ СССРда вужудга келган вазиятни бир эслаш керак.

Бу даврда сobiқ СССР худудидаги вазият ниҳоятда таҳликали эди. Арманистон ва Озарбайжон ўртасида Қорабоғ масаласида жанжал авж олган, Сумгаит, Боку, Тбилисида қонли тўқнашувлар бўлиб ўтган эди. Болтиқбўйи республикаларида норозилик ҳаракатлари кучайиб боради. Бундай вазият, афсуски, бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмаган, Фарғона, Ўш воқеалари, Паркент ва Бўқадаги тўполонлар, ҳар хил бузғунчи кучларнинг бош кўтариши, кундан-кунга чуқурлашиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар, умумий инқироз ҳолати аҳволни жуда чигаллаштириб юборган эди. Ана шундай қалтис шароитда республикамида тинчлик ва барқарорликни асраб қолиш, Марказдан бўлаётган турли заарли таъсирлардан халқимизни ҳимоя қилиш қандай қилиб бўлма-

син, аввало, мустақил сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этар эди. Шу сабабдан Ўзбекистонда президентлик бошқарувини жорий этиш айнан ўз вақтида амалга оширилган мардонавор қарор ва ҳақиқатан ҳам, мустақиллик сари қўйилган дадил қадам эди.

Ўша пайтда давлатнинг сиёсий тизимида КПССнинг етакчилик мақомини мустаҳкамлаб келган СССР конституциясининг 6-моддаси ҳали кучда бўлиб, Марказдан бериладиган партиявий топшириқ ва талабларни бажариш республика партия ташкилоти, хукумати, давлат идоралари учун мажбурий эди. Аммо республикамиизда янги жорий этилган президентлик институтининг марказий ҳокимият билан қандай муносабатда бўлиши лозимлиги, табиийки, собиқ шўро конституцияси ва қонунларида акс этмаган эди. Шундай бир вазиятда президентлик бошқарувининг жорий этилиши – бу халқимиз манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилиш, мустақил сиёсат юритиш имконини қўлга олиш йўлидаги чинакам жасорат эди.

Муаллиф ўз китобида халқимизнинг равнақи учун фоят муҳим бўлган бошқа кўпгина масалалар қатори «миллий қадрият» тушунчасининг мазмунини ҳам атрофлича ёритиб беради: **«Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимиз-**

**га, тараққиёт талабларига тұла жавоб беради-  
ган, йиллар үтгани сари қадри ортиб борадиган  
ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз.**

**Хар қандай ижтимоий ҳодиса сингари мил-  
лий қадриятларнинг ҳам үзига хос ривожланиш  
қонунияти бор» (82-бет).**

Бу фикрлардан ҳар қандай ғоя ва тушунча, агар миллий манфаатларга, бугунги ва эртанги орзу-интилишларга, тараққиёт талабларига жа-  
воб бермаса, қадрият бўлолмаслиги аён бўлади. Муаллиф бу ҳақиқатни унутиш, миллий қад-  
риятларни бирёқдама, сунъий равишда улуғлаш  
ва идеаллаштиришга олиб келиши мумкинли-  
гидан огоҳ этади. Ҳеч шубҳасиз, бу фикрлар  
ўзбек қадриятшунослик фани – аксиология  
илемини теран назарий хулоса ва аниқ тарихий  
ёндашув билан бойитади.

Китобда она тилининг миллий онг, миллий тафаккур ва маънавиятни, миллий тарбияни ри-  
вожлантиришдаги, авлодлар ўртасидаги вори-  
сийликни таъминлашдаги аҳамияти кенг ва ат-  
рофлича очиб берилган. Шу муносабат билан  
ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, янги имло, бугунги кунда бу борада олдимизда тур-  
ган вазифалар, чунончи, адабий тил меъёрла-  
рини пухта ўзлаштириш, зарур атамаларни яра-  
тиш, жойларга ном беришга масъулият билан  
ёндашиш тўғрисида фикрлар билдирилади. Бу эса китобхонни мавжуд камчиликларни барта-

раф этишга, она тилига, тил маданиятига эъти-  
борини кучайтиришга ундаиди.

Асарда Ўзбекистонда жамиятни ва жамият  
тафаккурини янгилашнинг инқилобий усулла-  
ри, бу жараённи четдан туриб, зўравонлик йўли  
билан сунъий равишда тезлатишга оид қараш-  
лар инкор қилиниб, барча соҳаларда, жумладан,  
маънавий соҳада ҳам ислоҳотлар тадрижий –  
эволюцион тарзда амалга оширилаётгани ва бу-  
нинг аҳамияти чукур ёритилган. Маълумки, та-  
раққиётнинг ўзбек моделининг ўзига хос хусу-  
сиятларидан бири ҳам айнан шу тамойилда  
яққол намоён бўлади.

Ислоҳотларни халқнинг миллий-маънавий ху-  
сусиятларидан келиб чиқсан ҳолда олиб бориш  
зарурлигини таъкидлаб, муаллиф бундай деб  
ёзади: «**Демократия авваламбор маънавий мезонлар**  
**асосида бошқариладиган кучли ҳуқуқий давлат,**  
**кучли фуқаролик жамияти демакдир» (108-бет).**

Бу фикр катта аҳамиятга эга. Негаки, чет эл-  
даги аксарият сиёсатшунослар, мутахассислар,  
давлат арбоблари масаланинг кўпроқ формал –  
ҳуқуқий жиҳатига эътибор қаратади. Натижада  
кўпгина мамлакатларда турли «демократия  
ўйинлари» бўлиб турадики, оддий халқ бундан  
ҳеч қандай наф кўрмайди. Жамиятни демократ-  
лаштиришда маънавий-ахлоқий масалалар етар-  
лича ҳисобга олинмагани учун халқнинг катта  
қисми амалда ҳокимиятдан бегоналлашиб қола-

ди. Шу сабабдан бўлса керак, юксак ривожланган Фарб мамлакатларининг кўпчилигида сайловчиларнинг 25–50 фоиздан ортиғи сайловларда қатнашмайди.

Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари бориша халқимиз маънавияти билан боғлиқ масалалар ҳеч қачон унуглигидан эмас. Бу эса эркин бозор шароитида ҳам, китобда эътироф этилганидек, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетмаслигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ислоҳотларни амалга оширишда халқнинг миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги тўғрисидаги фикр ва хулосалар режали иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига, маъмурий-буйруқбозликка асосланган мустабид тузумдан демократик жамиятга ўтиш назарияси яратилиши ва ривожига қўшилган улкан илмий ҳиссадир.

Муаллиф глобаллашувнинг моҳиятини, унинг жаҳон тараққиётига қўшаётган ижобий таъсирини қисқача очиб бериб, асосий эътиборни бу жараён туғдираётган маънавий таҳдидларга қаратади. Бугунги кунда глобаллашув жараёнидан ҳеч бир халқ четда туриши мумкин эмас, шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши мумкин, деб огоҳлантиради.

Турли маънавий таҳдидларга, «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган зўравонлик, фаҳш ва ҳаёсизликни, индивидуализм ва худбинликни тарғиб этадиган «асар»ларга, қўшиқ ва мусиқага, бузғунчи ахборотга қарши туриш учун одам ўз мустақил фикрига, асл қадриятлар негизида шаклланган дунёқараш ва мустахкам иродага эга бўлиши лозим. Бунинг учун эса аҳолимиз, айниқса ёшларнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги керак. Шунинг учун ҳам муаллиф болалиқдан инсон қалби ва онгига соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш энг муҳим вазифамиз эканини алоҳида қайд этади.

Китобда кўпчилик учун бир қарашда оддий туюладиган, лекин болаларимиз тарбиясида муҳим аҳамиятта эга бўлган яна бир масалага алоҳида ургу берилади: **«У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир»** (156–157-бетлар).

Бу фикрдан барчамиз учун бола тарбиясида иккинчи даражали нарса бўлмайди, деган ибратли хулоса келиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам, бола оддий ўйин ва ўйинчоқлар орқали оламни ўзи учун кашф этади, фантазиясини ривожлантиради, инсоний муносабатларни ўзлаштиради.

Китобда юртимиздаги ҳар бир инсонга дахлдор бўлган, ўқувчининг қалб кўзи, ақли ва зеҳнини очишга, унинг дунёга янгича назар билан қарашига хизмат қиласиган бундай ўринлар жуда кўп. Айниқса, бу асар тарихимиз, миллий ўзлигимизни англашда, бугунги замонда ҳеч кимдан кам бўлмай муносаб ҳаёт кечириш илмини эгаллашда ёшлар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

Хулоса қилиб айтганда, «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби давлат ва жамият қурилиши назариясини, фалсафа, сиёсатшунослик, назарий социология, маданиятшунослик, ижтимоий педагогика ва психология фанларини янгича қараш ва тамойиллар, методологик ёндашувлар билан бойитиши билан катта илмий-назарий аҳамиятга эга. Ҳеч шубҳасиз, у амалий жиҳатдан давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувини, таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, бу борадаги фаолият самарадорлигини янада оширишга хизмат қиласиди.

Абдураҳим ЭРКАЕВ,  
*фалсафа фанлари номзоди*

## ХАЁТ ДАСТУРИ

### 90-йилларни эслайсизми?

Айбни кимнинг бўйнига қўйиши билмай, тўғрироги, ўз айбларини яшира олмай жон талвасасида тўлғонаётган собиқ совет тузумининг сўнгги дамлари... Сиёсий ва иқтисодий нотинч кунлар, талотўплар, турли дунёқараашлар тўқнашуви, митингбозликлар авж олган давр... Ўлмаган – халқнинг жони, унинг чекига тушган турли қийинчилик ва иқтисодий начорликлар...

Ана шундай қалтис ва мураккаб вазиятда юртимиизда тарихий воқеа юз берди – 1990 йил 24 март куни республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида собиқ иттифоқда биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилди. Мақсад – юртда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, эски тузум марказидан бўлаётган турли заарли таъсирлардан халқимизни ҳимоя қилиш, ўз мустақил сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эди.

Маънавий жасорат кўрсатиб, шу эл, шу халқ ташвишини, унинг тинчлиги ва ободлигини мардона зиммасига олган Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан

ушбу сессияда сўзланган нутқ ёдимиизда. Аксарият одамлар маънавият, илму маърифатни эмас, балки империя вайроналари остида қолиб кетмаслик учун ўз жонини асрарни ўйлаб қолган, кўпчилик қорин ғамидагина юрган бир пайтда янграган ушбу маърузадаги ҳароратли сўзлар нафақат минг-минглаб мудроқ қалбларни уйғотган, айни пайтда давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган ва халқчил сиёсатини ҳам ёрқин намоён этган эди.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобини ўқиши жараёнида ўша маърузада таъкидланган айrim фикрларни қайта мутолаа қилар эканман, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида кечган воқеалар, маърузада белгиланган вазифалар ва уларнинг буғунги кунгача оғишмай амалга ошириб келинаётган кенг қамровли ижроси бир фуқаро сифатида яна бир бор хаёлимдан кечди. Ўша оғир ва таҳликали даврдаёқ маънавият, илму маърифатни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор мустақил сиёсатимизнинг ўқ илдизи сифатида унга ҳаёт бағишлиб келаётганига амин бўлдим.

Мисол учун, китобнинг 78-бетида юқорида эслатилган маърузада баён этилган шундай фикрлар келтирилади:

«Бугунги кунда олдимиизда турган энг муҳим вазифаларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, аҳолининг кундалик эҳтиёжларига бевосита дахлдор дол зарб масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда

биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак.

**Бу борада асосий ишларимиз нималардан иборат бўлиши лозим?**

Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган.

**Бизнинг вазифамиз – шу хазинани кўз қора-чиғимиздек асраш ва янада бойитиш».**

Тан олиш керакки, кўпчилик кишилар ўша пайтда бу каби фикрларнинг маъно-мазмунига чуқур кириб боролмаган, ҳатто, айрим ҳолларда «Оч қоринга маънавият ёқадими?» деган қабилда муносабатда ҳам бўлишган. Лекин ўтган давр бундай муносабатларнинг нотўғри эканини исботлаб берди ва мамлакат раҳбарининг маънавий-маърифий соҳада ечимини кутиб турган энг долзарб муаммоларни ҳал қилишга биринчи даражали масала сифатида қараб, уни бутун халқимиз учун ҳаёт дастури деб билиб, бу борада узоқ муддатли вазифаларни ўз вақтида аниқ-равшан белгилаб бергани аён бўлди.

**Нега дастур деяпмиз? Чунки бу вазифалар айтилиб, унугилмади. Нега ҳаёт дастури деяпмиз?**

Негаки, у нафақат бир кишининг, балки эзгу ният билан яшайдиган ҳар бир онгли фуқаромизнинг ҳаёт дастурига айланди. Ўша пайтда айтилган ҳар бир фикр, ўртага қўйилган ҳар қайси foя ўтган йиллар мобайнида умуммиллий мазмун касб этиб, юртимизда қатъият билан амалга ошириб келинаётганига бугун барчамиз гувоҳмиз.

Келинг, маърузада билдирилган яна бир устувор вазифага эътибор қаратайлик:

**«Масаланинг бошқа томони – маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларнинг шароитини яхшилаш.**

**Биз кўп йиллар давомида маърифат ва маданиятта нотўри муносабатда бўлдик. Унга сарфланадётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди. Натижада биз бу масалада орқада қолиб кетдик.**

**Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозим» (79-бет).**

Дарҳақиқат, собиқ шўролар даврида гарчи қофозларда ҳамма иш «қойилмақом» бўлса-да, амалда аҳвол ачинарли эди. Маданият ва маърифат соҳалари учун бошқа соҳаларга нисбатан жуда кам маблағ ажратилиши туфайли бу тизимлардаги муассасалар фаолияти қандай но-

чор ҳолатда бўлганини ўша даврни бошидан кечирган одамлар яхши билади, албатта. Мустақилликка эришилган илк йиллардан бошлаб «кун кўрмай» келаётган ана шу соҳаларга эътибор амалда тубдан кучайтирилди. Бугун фурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкинки, ўтган тарихан қисқа даврда мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётида оламшумул ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин. Лекин дунё мутахассислари томонидан ниҳоятда юқори баҳоланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан юртимизда 1140 та академик лицей ва касб-хунар коллежи бунёд этилганинг ўзиёқ кўп нарсани англатади. 2004–2009 йилларга мўлжалланган Мактаб таълимими ри-вожлантириш давлат умуммиллий дастурига биноан эса ҳозирга қадар 8 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, минглаб янги мактаблар барпо этилди ва улар энг сўнгти русумдаги компьютерлар ва ўкув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. 2009 йилга қадар республика бўйича жами 2,9 миллион ўкувчига мўлжалланган 8476 та мактаб (жами мактабларнинг 87 фоизи) бинолари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Ўтган қисқа вақт давомида олий таълим тизимида ҳам асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки,

истиқлол йилларида биргина пойтахтимизнинг ўзида 15 та янги, нуфузли олий таълим муассаси ташкил этилиб, ёшларимиз учун архитектура-қурилиш, молия, шарқшунослик, авиация, кимё-технология, рассомчилик ва дизайн, юридик, иқтисодиёт ва дипломатия каби йўналишларда ҳам таълим олиш имкониятлари яратилди. Шунингдек, вилоятдаги бир қатор институтлар университетларга айлантирилди, эҳтиёжга кўра жойларда нуфузли олий ўкув юртларининг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. Улардаги шароитлар, йўналиш ва мутахассисликлар замон талабларига мослаштирилди. Натижада юртимиздаги олий таълим муассасалари ҳар жиҳатдан ҳавас қиласа арзийдиган ҳолатга келтирилди. Соҳада бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг европа тизимига ўтилди. Айни пайдада юртимизнинг 65 та олий ўкув ютида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба давр талаблари асосида билим олмоқда.

Бугунги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3–5 фоиздан ошмайди. Ахир, мана шундай кўрсаткичлар билан фахрланмай, юртимизда олиб борилаётган халқпарвар сиёсатга тан бермай бўладими?

Президентимизнинг ўша маърузасида жисмоний тарбия ва спорт ҳам биринчи даражали вазифалар қаторига қўйилган эди. Бу устувор вазифа юртимизда изчил ижросини топиб келаётгани самараси ўлароқ, бугун шаҳар ва қишлоқларимизда кўрган кўзни қувнатадиган, барча замонавий шароитларни ўзида мужассам этган спорт иншоотлари қад ростлади. Бундай қулай шароитлардан унумли фойдаланаётган болаларимизнинг саломатлиги мустаҳкамланмоқда, ёшларимиз жаҳон миқёсида ўтайдиган турли нуфузли спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз байроғини баланд кўтариб келмоқда. Ҳозирги пайтда болаларимизнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4–8 килограммга ортгани, кўкрак қафасининг эса 6–8 сантиметрга кенгайгани кузатилаётгани ҳам униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб ҳаётга қадам қўяётгани, уларга кўрсатилаётган эътибор ўз самарасини бераётганидан далолатdir. Фарзандларимиз учун ҳақиқий ёшлиқ ва шижоат байрамига айланиб кетган уч босқичли спорт мусобақалари – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» беллашувлари эса уларнинг қобилиятини, салоҳиятини кашф этиш ва рӯёбга чиқаришда муҳим мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ташабbusи билан ташкил этилган Болалар спортини ривожланти-

риш жамғармаси фаолияти ҳақида бугун барчамиз яхши хабардормиз. Маълумотларни умумлаштирадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида жамғарма томонидан жами 711 та спорт иншооти қурилиб, болаларимиз ихтиёрига топширилди. Уларнинг 161 таси янги типдаги спорт иншоотлари, 332 таси эса мактаб спорт заллари ва қайта таъмирланган 218 та мавжуд спорт мажмуалари-дир. Мазкур спорт иншоотларининг 583 таси, яъни 87 фоизи қишлоқ жойларда барпо этилгани ҳам эътиборга сазовор. Курилиш-тиклаш ишларига жами 9,8 миллиард сўм, шунингдек, уларни зарур анжомлар билан жиҳозлашга 1,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

**«Ва ниҳоят, шу соҳаларда ишлаётган кадрлар масаласи. Ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий-оқартув муассасаларидаги ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар — чинакам зиёлилардир.**

**Айниқса, олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътиборни кучайтириш керак. Чунки маънавий бойликларни айнан шулар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолияти учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир» (79-бет), деб таъкидланган эди маърузада.**

**Ўқитувчи ва шифокор кадрларга бўлган ғамхўрлик ва эътиборни аввало уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган аниқ ишлар мисолида кўриш мумкин. Жумла-**

дан, Президент қарори билан ўқитувчилар ҳамда шифокорлар мөхнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши, яъни, ўз устида тинимсиз ишлайдиган фидойи ходимларга устама ҳақ белгиланиши ва унинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида бу соҳаларга бўлган қизиқиш бир неча баробар ошди. Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида мөхнат қилаётган мутахассислар фаолиятини рафбатлантиришга сарфланган ва сарфланаётган миллиард-миллиард сўм маблағ, улар учун яратилаётган мөхнат шароитлари хусусида тўхтадан, бу ўринда биргина педагогика институтларида ўқиши истагини билдирувчилар сони кескин ошганини мисол қилиб келтириш кифоя, деб ўйлаймиз. Илгари педагогика институтларида қабул режасининг бажарилмай қолиш ҳоллари мавжуд эди. Фақат 2007 йилнинг ўзида 1 ўринга 7–10 нафар абитуриент хужжат топширди, кириш баллари эса 145–220 бални ташкил этди. Бу, ўз навбатида, келгусида тизимда педагогик салоҳиятнинг ошишига хизмат қиласи, албатта.

Маърифий соҳада қалам тебратадиган журналист сифатида биз бу борада амалга оширилаётган ишларни қувонч билан кузатиб келамиз.

**«Яна бир долзарб вазифа – ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муно-**

**сиб әгаларидир. Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак» (80-бет).**

Бу фикрлар эски мафкурадан воз кечилаётган, янгиси қандай бўлиши ҳақида турли хил, баъзан бир-бирига зид бўлган қарашлар билдирилаётган нозик бир пайтда, лекин ўз вақтида айтилган эди.

Изчил олиб борилган сиёсат натижаси ўлароқ, ёшларимиз бугун миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида камол топмоқда. Бироқ айнан ана шу фикрларни айримларимиз тўла англаб етмаганимиз, жавобгарлик ҳиссини туймаганимиз сабабли ўтган фурсатда баъзи оиласарда гумроҳликлар – йўлдан адашишлар юз берди, юрт ташвиш кўрди ва бундай ҳолатлар барчамизга аччиқ сабоқ бўлди. Хулоса шуки, юрт раҳбари томонидан айтилган ҳаққоний фикрларни ҳаётта жорий этишда ҳар биримиз масъулият туйғуси билан ёндашмоғимиз кераклигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб бермоқда.

**«Кейинги пайтда санъатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот во-ситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди.**

**Барчамиз – қаерда, қандай лавозимда ишламайлик, жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қиласиган ана шундай тажовузкорлик кўринишларига қатъий равища**

**қарши туришимиз лозим. Бундай муносабат жа-  
моатчилигимиз, халқимизга ҳам маъқул бўлади,  
деб ишонаман» (80-бет).**

Маърузада билдирилган маданият ва санъат соҳасига оид ушбу фикрлар бугун ҳам долзарб бўлиб турибди. Яқинда санъат ва мусиқа йўна- лишидаги мактаблар учун ҳам Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг мантиқий давоми сифатида муҳим чора-тадбирлар белгиланди ва халқимиз, ёшли- римиз унинг амалий самарасини тез кунларда ўз кўзи билан кўриши шубҳасиз. Бунда мактабларда мусиқа ва санъат таълим мини юқори дара- жага кўтариш, пировард натижада фарзандла- римизнинг маданий савиясини юксалтириш ма- саласи ҳам алоҳида эътиборга олинган. Табиий- ки, бундай асосда таълим-тарбия олган авлод нафақат юртимизнинг ҳақиқий санъатини дунё- га танитишга ҳаракат қиласи, балки бизнинг анъ- аналаримизга зид бўлган «санъатдаги ошкоралик» ниқоби остидаги бузғунчи ғояларнинг суқилиб киришидан миллий санъатимизни асрайди ҳам.

Юртбошимизнинг ўша чиқишида билдирил- ган яна бир фикрни алоҳида таъкидлаш жоиз: «Агарки биз ўзимизнинг маънавий бурчимиизни оқлашни истасак, уларга оталарча ғамхўрлик қи- лишимиз керак. Ана шу мақсадда биз уларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги нуфузли илмий марказларда таълим олиши учун маблағлар аж-

**ратдик. Бу ишлар учун ҳеч нарсани, шу жумладан, валютани ҳам аямаймиз» (80-бет).**

Бу фикрларнинг ҳаётда ўз амалий ифодасини топганини аввало «Умид», кейинчалик «Истейдод» жамғармалари орқали қўплаб ёшларимиз дунёning етакчи университетларида таҳсил олиб, билим ва малакасини юртимиз истиқболи учун сарфлаётгани мисолида кўриш мумкин. Тошкент шаҳрида халқаро Вестминстр университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг фаолияти йўлга қўйилиши, шунингдек, Плеханов номидаги Россия иқтисадиёт академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари ташкил этилиши ҳам ёшларимизнинг нуфузли даргоҳларда малакали билим олишини таъминлаб келмоқда.

Бугун вақт ўтгани сари Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли тўғри эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боис, ҳозирги кунда Ўзбекистон тажрибасини эътироф этиб, уни ўз ютида жорий қилишга ҳаракат қилаётганлар қўпайиб бораётгани ажабланарли эмас. МДҲ давлатларининг айрим янги раҳбарларининг фаолиятига эътибор берсангиз, уларнинг фаолиятида бизда ижтимоий йўналишда ўзини оқлаган тажриба бошқача шакуларда бўлса да, жатбиқ қилинётганини кўрасиз.

Ўзбекистон таълим тизими ҳақида билдирилган энг янги фикрлар ҳақида гапирганда, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган кимё фани бўйича халқаро Менделеев олимпиадасини эслаш жоиз. Йигирмага яқин давлатдан юз нафардан зиёд ўқувчи иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада мамлакатимиз ёшлари жамоаси ғолиб чиқиб, битта олтин, битта кумуш, ўн битта бронза медалини қўлга киритди. Халқаро олимпиада ташкилий қўмитаси ҳамраиси, Россия Фанлар академияси академиги В.Лунин бу натижанинг бежиз эмаслигини алоҳида таъкидлади: «Биз мамлакатингиз раҳбарининг таълим соҳасига, ёшларга қаратаетган улкан эътиборини мазкур олимпиада мисолида ҳам кўрдик. Ҳар қандай давлатнинг мавқеи ундаги таълим тизимининг қай даражада тараққий этаётгани ҳамда унинг сифати халқаро стандартларга қанчалик мувофиқлиги билан белгиланади. Ўзбекистон давлатида таълим дастурининг устуворлиги менда жуда катта таассурот қолдирди. Бу – ҳукumat ва жамоатчиликнинг ўз юрти келажагига бўлган юксак эътибори натижасидир. Иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожи учун яхши тайёрланган қадрлар жуда зарур. Биз Ўзбекистон Республикасида таълим модели нақадар ўзгарганини кўрдик. 12 йиллик таълим ўқишнинг давомийлиги учунгина эмас, балки 9 йиллик мактабдаёқ шаклланган болаларнинг қизиқишлирига кўра мутахассисликка йўналти-

рилгани билан аҳамиятлидир. Кадрлар тайёрлаш миллий моделига методик ва стратегик жиҳатдан тўғри ёндашилган, 12 йиллик таълимга ўтиш болаларнинг таълим олиши учун асосли далил бўла олади. Улар академик лицейларни танлаб, таълимга ихтисослашади ёки касб-хунар колледжларида ўқиб, касб эгаллайди. Бу эса давлат учун ҳам, ёш инсон учун ҳам фоят муҳимдир. Биз барча замонавий талабларга жавоб берадиган спорт заллари ва спорт мажмуаларини кўрдик... Бу жуда ажойиб! Кўрганларимиз ҳақида барчага айтамиз, зеро бу келажак учун, давлатларимиз ўртасида ги муносабатларни мустаҳкамлаш, таълим ривожи учун жуда муҳимдир».

Тўғриси, кейинги пайтда бундай эътирофларни эшитишга ўрганиб ҳам қолдик. Лекин ҳар гал эшитганимизда бундан фурурланамиз ва аждодларимиз орзу қилган кунлар насиб этганидан қалбимизда шукроналик туйғусини ҳис қиласиз.

Тарихга назар солсак, Форобий сингари бо боларимиз ўз даврларида комил инсон тарбияси йўлида идеал фикрлар айтишган, лекин бу фоялар ҳаётга татбиқ қилинмаган. Халқимиз кўлига қуллик кишанлари урилган XX аср бошида эса жадидлар маърифий тарбияни ривожлантиришга ҳаракат қилишган. Лекин бу фидоий зотларнинг ҳеч бирига имкон берилмаган, бошқача айтганда, уларнинг қалбидаги орзулар армон бўлиб қолиб кетган.

Ўша даврларнинг айрим ҳукмдорларида бошқаларга оёқости бўлмаслик учун тараққий этажтган дунё билан тенг юриш керак, бунинг учун таълим-тарбияга эътибор бериш, уни ривожлантириш шарт, деган қатъий хулоса, шунга яраша лаёқат, ақл-заковат, донишмандлик, таъбир жоиз бўлса, буни амалга ошириш учун мардлик ва жасорат етишмаганини ҳам тарихдан яхши биламиз. Бугунги ўзбек ҳалқининг баҳти шундаки, Ҳудо унга ана шу хислатларни ўзида жамлаган, эл-юрт ташвишини мардона елкага олган раҳбарни берди...

Биз ушбу мақолада китобда таҳлил этилган биргина масалага эътибор қаратдик, холос. Ҳолбуки, асарни ўқиб шунга амин бўлдикки, унинг ҳар бир бобини ҳаётдан ёрқин мисоллар олган ҳолда мароқ билан шарҳлаш мумкин.

Мутолаа жараёнида Ўртбошимизнинг амалга ошираётган сиёсати – ҳаёт дастури қатъият билан татбиқ этилаётганига қойил қолмай илож йўқ. Мамлакат ва ҳалқ манфаатига хизмат қиладиган бу сиёсат бугун изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бу олижаноб ҳаракатнинг бамисоли қудратли тўлқин каби бутун мамлакатни қамраб олаётгани ва миллионлаб инсонлар, авваламбор ёшлиар қалбida акс садо бераётгани унинг ҳалқчиллигидан далолатдир.

**Ҳалим САЙДОВ,**  
**журналист**

---

## **«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ТАҲДИДИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАПИШ ЗАРУРАТИ**

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида муаллиф буюк тарих, маданият ва маънавият эгаси бўлган халқнинг фарзанди, бугунги дунёда кечаётган глобал жараёнларнинг маъно-мазмунини теран англайдиган, унинг мафкуравий, геосиёсий манзарасини аниқ тасаввур этадиган улкан тафаккур соҳиби, атоқли давлат ва сиёсат арбоби сифатида кўпчиликни ўйлантираётган мураккаб муаммоларни холис ва ҳаққоний таҳлил қилиб беради. Ҳозирги шиддатли ва шафқатсиз замоннинг ҳар қайси миллат, жумладан, бизнинг халқимиз олдига қўяётган талабларини очиқ баён қиласди: **«Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшashi учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирилгимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчилликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий**

**хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз инициалын умумбашарий таракқиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин» (4-бет).**

Албатта, бугунги дунё бошдан кечираётган глобаллашув жараёни инсоният учун катта-катта имкониятлар эшигини очиб беради. Лекин, афсуски, дунёдаги айрим кучлар шундай ҳам мураккаб бу жараённи янада мураккаблаштириш, образли қилиб айтганда, сувни янада лойқалатиб, истаганча балиқ тутишга зўр бермоқда. Хусусан, доимо зўравонлик ва гегемонлик ҳисобидан бойлик орттириб келган кучлар мана шундай талотўплардан фойдаланиб, «оммавий маданият» фоясини кенг тарғиб этмоқда.

**Шу маънода асар муаллифининг қуйидаги фикрлари барчамизни сергак тортириши зарур: «Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беринимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак» (117-бет).**

«Оммавий маданият»нинг таг-заминида аввало тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини бугунги замонавий фан ҳам эътироф этади. Ҳақиқатан ҳам, ёт мафкуралар ҳар доим эр-

кин бозор муҳитида харидоргир товарлар билан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Туя карвонида бўладими ёхуд кема юкхонасида бўладими – қандай шаклда бўлмасин, олиб келинаётган товар ёнида ҳамиша муҳим сиёсий «маҳсулот» – фоя бўлган ва у бошқа моллар қатори экспорт қилинган. Айнан ана шу тактика «универсал маданият» экспортида бугун ҳам фаол қўлланмоқда.

Маданият – аслида нисбий тушунча. Бу тушунчанинг шаклланишида кишини ўраб турган муҳит, яшаш шароити, муносабатлар тизими алоҳида ўрин тутади, десак, хато бўлмайди. Эътибор берганмисиз, сўнгги тўрт-беш йил ичиде миллий турмуш тарзимизга мутлақо ёт ва бегона бўлган заарли одатлардан бири «Валентин куни»ни нишонлаш баъзи ёшлар орасида қандайдир «мода» тусини олмоқда. Бу ўз навбатида юқорида зикр этилган, глобаллашувни сунъий тезлаштиришга ҳаракат қилаётган ва шундан манфаат топаётган кучлар учун айни муддао.

Ўзингиз ўйланг, ота-боболаримизнинг тушига ҳам кирмаган «Валентин куни»да аксарият кўнгилочар жойлар ва дам олиш масканлари «ошиқ-маъшуқ»ларни байрам дастурхонига (текинга эмас, албатта!) таклиф этади: хусусий радиостанциялар маъни-матрасиз, бўлмағур қутлов ва нормаларни ўқиб эшилтиришдан чарчамайди. Ҳолбуки, ўша биз танимайдиган, балки танишимиз унча шарт ҳам бўлмаган Валентин «бобо»нинг

номига мадху санолар ёғиладиган айёмда, яъни 14 февраль санасида буюк аждодимиз Заҳиридин Муҳаммад Бобур таваллуд топган. Беихтиёр шундай хаёлга борасиз: нима, мақсад – Бобур Мирзодек боболаримизни яна хотирамиздан сиқиб чиқариб, уларнинг ўрнига Валентин «бобо»-ларни сингдириш, бизни ўзлигимиздан айиришми? Ахир, биз бундай мудҳиш кунларни, синов ва имтиҳонларни яқиндагина бошимиздан кечирган эмасмидик? Бугун ўша коммунистик хатарлар ўрнини бошқа бир хатар – «универсал маданият» ниқобидаги таҳдид эгаллаб олмаяптими?

Бу ҳақда ўйлар эканмиз, китоб муаллифнинг бир зум ҳам ҳушёрликни қўлдан бермаслик ҳақидаги огоҳлантиришлари нақадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиласиз.

Маълумки, ҳар қандай заарли ғоя одамни ичидан емиради, ўзини англашига салбий таъсир этади. Шу маънода, Президентимизнинг 1998 йилда «Тафаккур» журнали бош мұҳаррири саволларига берган жавобидаги **«Баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади»**, деган фикрларида улкан ҳақиқат бор.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, технократик жараёнлар ҳар қанча қудратли ҳаракат касб этмасин, бу ҳаётни олдинга бошлайдиган, унга маъно-мазмун баҳш этадиган куч барибир

маданият ва маънавият бўлиб қолаверади. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаш – энг долзарб ва устувор вазифалардан биридир. Чунки, ахлоқ миллий табиатни шакллантирадиган асосий омилдир.

Маълумки, ахлоқнинг туб моҳиятида диний қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Лекин собиқ совет даврида ана шу оддий ҳақиқат унутилиб, «коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» деган соҳта ва сунъий тамойилларни жорий этишга зўр берилган эди. Маънавий таҳдидларнинг энг хатарли жиҳати эса миллий жамиятларнинг ахлоқий тамойилларига таҳдид солишида намоён бўлади. Миллий ахлоқقا тажовузнинг беозор, ҳатто кимларгадир ёқимли бўлиб кўринадиган шакли – бугунги кунда «оммавий маданият» деб тарғиб этилаётган ҳодиса билан боғлиқ. Оммавий маданият энг аввало миллий ахлоқни заифлаштириб, жамиятнинг foяvий тизимини издан чиқариши билан хатарлидир.

Аёнки, ҳозирги вақтда ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маданий савиясини кўрсатадиган мезонлар мавжуд. Энг асосийси – интеллектуал онг, юксак маънавият, асрий анъаналарга таянадиган, замоннинг илгор ютуқларидан озиқланадиган миллий дунёқараш ва эътиқоддир. Демак, маданий ҳаётга шунчаки бир ижтимоий воқелик сифатида қараш тўғри эмас. Аксинча, уни миллий

ғояга турткى берадиган, унга таянч ва суюнч бўла-  
диган куч сифатида қабул қилиш лозим.

Китобда алоҳида таъкидланганидек, Шарқ дунёсида ўзига хос демократик институт саналмиш оиласидаги соғлом маънавий-ахлоқий муҳит ҳамма замонларда ҳам маънавият қўргони бўлиб келган. Бу ҳақда донишманд боболаримиз ҳам кўпгина ибратли фикрларни билдирган. Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат «Оила» рисоласида ахлоқ-одобда намунали авлодни тарбиялаш нафақат бир миллат ёки ҳалқ учун, айни пайтда бутун инсоният учун ғоятда муҳим эканини зикр этиб, «Кимки бадаҳлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади», деб ёзган эди.

Бугунги кунда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи ўта долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилаётган экан, бунда фарзандларимизнинг наинки жисмоний, шу билан бирга, ахлоқий ва маънавий баркамол бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланаётганини унутмаслигимиз зарур. Чунки қалб кўзи очиқ, маънавий томондан бақувват одамгина жамият талабларига онгли муносабатда бўла олади, бугун биз интилаётган буюк келажакни барпо этишга, дунё майдонида бошқалар билан барча соҳаларда мусобақага киришга қодир бўлади.

Лекин, очиқ тан олишимиз лозимки, «оммавий маданият» хуружини ҳали ҳамма ҳам тўлиқ

англааб етаётгани йўқ. Бу таҳдиднинг эртага қандай оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини кўпчилик хаёлига ҳам келтирмаяпти, таъбир жоиз бўлса, улар гафлат уйқусида. Ҳолбуки, яқин-йироқ юртларда «оммавий маданият»нинг аччик, тахир мевалари – оила институтининг дарз кетиши, ахлоқсизлик ва беҳаёликнинг авж олиши, ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолиб бораётгани, бир жинсли никоҳлар – буларнинг барчаси бизнинг кўзимизни очиши керак.

Минг афсуски, маданий ҳаётимизда фан номзодлари ва фан докторлари сони тобора ортиб бораётгани сари маънавият майдонида фидойилар, ҳақиқий маънавий жасорат соҳиблари, аксинча камайиб бормоқда. Бундай қарасангиз, зиёлилар қўпга ўхшайди, лекин уларнинг таъсири, нуфузли сўзи етарлича сезилмајпти – «оммавий маданият»нинг асл моҳиятини очиб, унга қарши кураш йўлларини кўрсатиб берадиган публицистик чиқишлар, илмий ва амалий қўлланмалар камдан-кам пайдо бўлмоқда.

«Оммавий маданият», туб моҳиятига кўра, миллий маданиятларнинг кушандаси, у маданий хилма-хилликни хушламайди, бу оламни якранг кўриш унинг асл мақсади. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бу хавфга қуидагича баҳо берилади: «**Табиийки, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлоқий бузуқлик**

**ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм тояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнииг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларнн қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамини ташвишга солмай қўймайди» (117-бет).**

«Оммавий маданият» кўплаб жамиятларни сунъий, сохта идеаллар билан чалғитибгина қолмасдан, одам боласи учун муқаддас бўлган табиий жуфтликни инкор этади, файриинсоний ахлоқ ва муносабатларни қонунийлаштиради ва буни эркинликнинг олий намунаси деб кўз-кўз қиласди. Ана шу жараёнлар чуқур таҳлил этиб берилган Фарб олимлари Элвин Тоффлернинг «Учинчи тўлқин», Патрик Бьюкененнинг «Фарбнинг ҳалокати» каби асарлари дунё миқёсида шов-шувларга сабаб бўлаётгани ҳам бежиз эмас.

Модомики, «оммавий маданият» тоя экан, унга қарши қандай тоя билан курашамиз? «Оммавий маданият»га куч бахш этиб турган бизнесга-чи? Унга нимани қарши қўямиз? Ана шу саволларнинг ўзиёқ «оммавий маданият»га қарши туриш осон кечмаслигини кўрсатади.

Одатда бу масалага ечим сифатида тарбия миллий бўлиши зарурлиги, ёшларни миллий руҳда вояга етказиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланади. Лекин яна бир ҳақдий савол туғилади: ёш авлодни миллий руҳда ким тарбиялайди?

Бизнингча, бунинг учун тўла маънода миллий руҳни ўзида мужассам этган жамиятнинг интеллектуал элитасини шакллантириш зарур. Кези келганда айтиш жоизки, хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш давр талаби, аммо шунинг ўзи интеллектни белгиловчи бирдан-бир мезон ёки ўлчов бўла олмаслигини эътибордан соқит қилмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам кенг миқёсда ривожланаётган глобаллашув жараёнида миллатга хос бўлган барча сифатларни жамиятнинг интеллектуал элитаси сақлаб қолиши, ўз навбатида ёшларнинг қалби ва онгига чуқур сингдириши, келгуси наслларга етказиши мумкин.

Президентимиз бундан уч йил олдин 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан журналистлар билан ўтказган сухбат-мулоқотида шу масала хусусида тўхталиб, Интернетни катта бир дўконга қиёслаган эди. Бу дўконга кирган одам ўзига керакли молни харид қиласди. Лекин, гап мана шу дўкондан нимани олишда, деган эди Юртбошимиз. Мулоқотда адабиёт, илм-фан, мусиқа, санъат, спорт ва бошқа ижтимоий-гуманитар соҳалар бўйича сайtlар яратиш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди. Шу маънода, миллий тараққиётга хизмат қила оладиган анъана ва қадриятларни безавол сақлаш ва уларни кенг тарғиб этишнинг янги, ноанъанавий ва таъсирчан усул ҳамда услубларини ишлаб чиқиш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Мустабид тузумнинг узоқ давом этган зуғум ва хурожлари халқимизнинг иродасини буқолмади, ўзлигидан, кўҳна қадриятларидан айиролмади. Бироқ собиқ империя қулаши билан коммунистик мафкура ўрнига «оммавий маданият» хурожи бошланди. У замонавий қиёфада – гўё ривожланган маданий дунёга интеграциялашиш, либераллашиш, демократлашиш ниқобида намоён бўлмоқда. Китоб муаллифи бу хатарга қарши курашнинг мустаҳкам механизмини шакллантириш лозимлиги ҳақида куюнчаклик билан фикр юритар экан, «оммавий маданият» ниқобидаги тушунчалар билан умуминсоний қадриятлар ўртасидаги тафовутни нозик илгаш муҳимлигини таъкидлайди.

Демоқчимизки, «оммавий маданият» ниқобидаги хурожларга қарши курашишда халқимизда асрлар синовидан ўтиб келаётган иммунитет мавжуд. Аммо бу таскин олдимизда турган таҳдидларга бепарво қарашиб ёхуд бемалол ва хотиржам яшашга асос бўлолмайди. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ўринли таъкидланганидек, «...юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак».

Олим ТОШБОЕВ,  
филология фанлари номзоди,  
тележурналист

## МАЬНАВИЯТ ДИАЛЕКТИКАСИ

Инсонни, унинг қалбини тушуниш қанчалик қийин бўлса, маънавиятни тушуниш ҳам шунчалик қийин ва мушкул ишдир. Чунки, томчидаги қуёш акс этганидек, инсоннинг мўъжаз қалбига бутун олам ўзининг бор мураккаблиги, ранг-баранг қирралари, зиддият ва қарама-қаршиликлари билан мужассам бўлади.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида ўқувчини «маънавият» деб аталадиган ана шу сирли оламга олиб кирадиган йўл ва усул, таъбир жоиз бўлса, сирли калит топилган. Бу – муаллифнинг инсонга, ўз халқига, унинг буюк маънавиятига, юртимиз ёшлирига бўлган меҳри ва муҳаббати, уларни асрраб-авайлаш, баҳтли ва саодатли кўриш орзусидир. Муаллиф инсонни инсон қиласиган, уни руҳан юксалтириб, улуғ ишларга даъват этадиган бекиёс куч – маънавиятга таянган ҳолда, ўз юртини янада обод ва фаровон қилиш, унинг ёруғ келажагини таъминлаш, бу замин фарзандларини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар этиб вояга етказиш ҳақида қайтуришни ўз қарашлари учун энг муҳим пойдеп

вор деб билади. Айнан ана шундай мезон асосида фикр юритади ва «Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак» деган ҳаққоний холосага келади.

Китобдаги барча боб ва фасллар муаллиф томонидан илгари сурилган ана шу қоида, яъни «Маънавиятни тушуниш – инсонни тушунишдир» деган принципга асосланади. Бир сўз билан айтганда, маънавият ва инсон масаласи китобнинг бош фояси, асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Муаллиф ўз халқининг бугунги ва эртанги ҳаёти ҳозирги пайтда дунёнинг қандай йўлдан бориши, қандай ривожланишига боғлиқ эканини, яъни хусусий омиллар ўз-ўзидан умумий омиллар таҳлилини талаб этишини чукур ҳис қиласи. Шу боис нафақат ўз халқи ва Ватани, балки бутун инсониятнинг тақдири ва келажаги уни безовта этади.

Асарда бугун жаҳон миқёсида кузатилаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда баъзи ноҳуш тенденциялар ҳақида фикр юритар экан, муаллиф ўзини қийнаётган саволларга одамзотнинг кўп мингийллик тарихидан, аждодлар месоридан, қадимий қадрият ва анъаналардан жавоб топади. Шу тариқа маънавият масаласини ҳам тарихий, ҳам замонавий асосда кенг таҳлил қиласи, зарур сабоқ ва холосалар чиқаради. Ана шундай теран кузатишлар асосида ҳаётдаги

кўпгина чигал жумбоқлар айнан маънавиятга нотўғри муносабат, маънавий фазилатлардан маҳрум бўлиш, бу буюк бойликни турли сабаблар билан қўлдан чиқариш натижаси эканини, одамзот маънавиятсиз тубанлик сари йўл олишини ҳар томонлама чуқур асослаб беради. Шу билан бирга, бугунги кунда башарият олдида кескин бўлиб турган бир-биридан қалтис ва таҳликали муаммоларнинг ечими ҳам инсоннинг ўзида – унинг енгилмас куч бўлган маънавиятида, деган холосага келади.

Маълумки, ҳозирги илм-фанда тизимли ёндашув (системний подход), тизимли таҳлил (системний анализ) деган тадқиқот ва тафаккур усуслари устувор ҳисобланиб, алоҳида қадрланади. **Шуниси** диққатга сазоворки, «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби айнан ана шундай илмий принциплар асосида яратилган. Масалан, асарда «маънавият», «миллий ғоя», «қадрият», «глобаллашув», «маънавий жасорат» каби бир қатор тушунчалар ҳақида сўз юритилар экан, аввало уларнинг илмий таърифи, сўнгра шу ҳодисаларнинг инсон, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, уларнинг ўзига хос ва зиддиятли томонлари баён қилинади, тарихдан ва бугунги кундан, халқимиз ва бошқа миллатлар ҳаётидан аниқ мисоллар келтирилади. Яъни, муаллифнинг фикрлаш тарзи оддий ҳаётий тушунчалардан мураккаб умумбаба-

шарий жараёнлар сари ўсиб, ривожланиб, қарашларининг қамрови бениҳоя кенгайиб бораверади. Бамисоли ўқувчи ҳам бу жараённинг иштирокчисига айланиб, китоб мутолаасидан руҳан бойиб, дунёқараши кенгаяди, маънавият деган бекиёс қудратнинг кучи ва таъсирини ўз вужудида, ҳар бир хужайрасида ҳис эттандек бўлади.

Энг муҳими, китобда қўлланган бундай тизимли ёндашув таҳлил этилаётган тушунчалар билан боғлиқ долзарб вазифаларни ёритиш, амалий таклиф ва мuloҳазаларни илгари суриш билан ўзининг мантиқий якунига етади. Натижада ўқувчи ўзини қийнаган, ўйлантирган кўп саволларга жавоб топгандек бўлади. Китобни ўқиши унинг учун шунчаки мутолаа эмас, балки том маънодаги самимий мулоқот, жонли фикр алмашувга, ўзини билиш, халқини, унга хос бўлган асл хусусиятларни англаш жараёнига айланади.

Яна бир муҳим хусусият шундан иборатки, муаллиф ҳар бир тушунчанинг диалектик мөҳиятини очишга – унинг сабаб ва оқибатини, ҳам ижобий, ҳам салбий қирраларини таҳлил этиб, бир бутун ва яхлит манзарасини кўрсатишга ҳаракат қиласади.

Айниқса, китобда инсон ва маънавият тушунчаси ўзаро диалектик боғлиқликда таҳлил қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз, деб

ўйлаймиз. Муаллиф маънавиятнинг инсон, жамият ва давлат ҳаётидаги бекиёс ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, уни идеаллаштиrmайди. Аксинча, бу масала билан боғлиқ зиддиятли жиҳатларни ҳам ҳаққоний тарзда таъкидлаб ўтади. «**Тан олиш керакки, юксак маънавий тушунчалар билан яшашга ҳаракат қиладиган одамнинг бугун ҳам кўп машаққатларни, оғир синов ва тўсиқлар, муаммоларни енгиб ўтишига тўғри келади**, — деб уқтирилади китобда. — Агарки эътибор берсак, тилимизда ҳалоллик ва нопоклик ҳақидаги ибратли ҳикматлар билан бирга, «**Йўлини топибдими, қандини урсин**», «**Узумини енг-у, боини суриштирманг**» деган мақоллар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Албатта, бундай мақол-мatalлар бежиз пайдо бўлмаган, улар ҳам маълум бир ҳақиқатнинг ифодаси. Бинобарин, биз ҳаётнинг маъно-мазмунини шундай тушуниб, шу асосда яшашга интиладиган кишилар ҳам борлигини инкор этолмаймиз» (21-бет).

Муаллиф инсонлар нақадар хилма-хил ва бетакрор бўлса, уларнинг маънавий олами ҳам шунчалик ранг-баранг ва мураккаб эканини эътироф этади. Баъзида одамлар таяниб яшайдиган маънавий мезонлар ҳам бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлиши ҳақида фикр юритар экан, бундай деб ёзади: «**Мана шундай икки хил дунё-қараш асосида пайдо бўладиган оғир саволлар одамзот онгли яшай бошлаган замонлардан буён**

уни ўйлантириб, қийнаб келади. Ҳаёт моҳиятини англаб етишга ўз умри, билим ва салоҳиятини бағишлаган не-не буюк зотлар, мутафаккир файласуфлар, аллома ва азиз-авлиёлар – миллати, тили ва динидан қатыи назар – шу каби мураккаб муаммоларга жавоб топиш учун изланган, бу мавзуда қанча-қанча асарлар яратган. Лекин бу савол бугунги кунда ҳам ҳануз ўткир ва долзарб бўлиб қолаёттанини инкор этиб бўлмайди» (23-бет).

Бошқача айтганда, бу ҳаёт фақат маънавиятни эзгуликдан иборат деб биладиган инсонлардан иборат эмас. Афсуски, ўзининг нопок, қинғир-қийшиқ ишларини ҳам маънавий жиҳатдан оқлаб, фақатгина шахсий манфаат асосида яшамоқчи бўлган кишилар ҳам оз эмас. Муаллиф бизни ана шундай инсонлардан огоҳ этади, маънавият ана шундай кучларнинг манфаатига эмас, олижаноб мақсадларга хизмат қилиши кераклигини таъкидлайди.

Китобда моддий ва маънавий оламнинг муштараклигига ҳам диалектик нуқтаи назардан баҳо берилади: «...аввало шуни айтиш керакки, бу кўхна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит воқеликдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликтининг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бирёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди» (66–67-бетлар).

Айтиш керакки, маънавият билан боғлиқ бошқа қўпгина муаммолар қатори бу ўринда – моддий ва маънавий оламнинг ўзаро узвий боғлиқлиги масаласига ҳам инсонни тушуниш, инсонни тадқиқ этиш орқали ёндашилади: «...инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яраттанинг буюк ва сирли мўъжизасидир» (67-бет).

Дарҳақиқат, моддий ва маънавий олам инсон тимсолида бирлашади.

Асарда маънавиятга хос яна бир муҳим масаланинг диалектик моҳияти, яъни бу ҳодиса қанчалик универсал – бутун одамзотга хос бўлса, айни пайтда шунчалик индивидуал ҳодиса экани ҳам ёритиб берилади. Шу асосда «ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор» (29-бет), деган хулоса чиқарилади.

Маълумки, бугунги нотинч дунёда инсоният бошига хавф солиб турган глобал таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Бу – ядроий, кимёвий ялпи қирғин қуролларининг хавфи, технологик ҳалокатлар хавфи, бу – табиий ва экологик оғатлар хавфи, терроризм ва экстремизм, локал ва глобал урушлар хавфи ва ҳоказо. Лекин уларнинг орасида яна бир даҳшатли хавф борки, хатарлилиги жиҳатидан муаллиф уни юқорида зикр этилган барча бало-қазолардан кўра хавфлироқ деб билади. Нима учун?

Тасаввур қилинг, бугунги кунда, бордию бирор-бир мамлакат чегарасини кимдир ноқонуний кесиб ўтадиган бўлса, ўша заҳотиёқ сарҳадлар химоясида турган кучлар тегишли чора-тадбирларни кўради – шакланган самарали система ишга тушади. Мабодо қайсиdir давлатнинг осмонида номаълум бир обьект пайдо бўлса, уни ҳам бир зумда аниқлаш ва эҳтимол тутилган хавфхатарни белгиланган тартибда бартараф этиш бўйича амалий чораларни кўрадиган куч ва во-ситалар мавжуд. Ёки қайси бир давлат ҳудудига ўткир ва юқумли касалликларнинг вируслари кириб келадиган бўлса, уни даф этишнинг ҳам амалий усул ва сценарийлари ишлаб чиқилган – тегишли тиббиёт-санитария хизматлари оёққа туриб, бу хатарни бартараф этишга отланади.

Аммо инсоннинг қалбига тубанлик ва ёвузлик уругини сочадиган, уни маънавий жиҳатдан мажруҳ қиласидиган зарарли вируслар кириб келадиган бўлса-чи? Уларни тўхтатиш ва зарур чора-тадбирларни кўришга қодирмизми? Кўзга кўринмайдиган, лекин ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб, тўлдириб бўлмайдиган, мислсиз зиёну заҳматлар етказадиган бундай бало-қазога қарши тура оладиган мукаммал тизим борми?

Муаллиф келгусида бутун инсониятни нафакат ўйлантирадиган, балки унинг учун ҳақиқий фожиага айланиши мумкин бўлган бу ўткир масалага чуқур мантиқий асосда ечим топади: бу ха-

тарга қарши шаклланган тизим бор, бу — инсонга ато этилган, эзгулик сари интилиб яшаш борасида неча минг йиллик тажриба, анъана ва қадриятларни ўзида мужассам эттан маънавиятдир.

Муаллиф маънавиятни енгилмас куч деб таърифлайди. Бу жуда ҳаққоний таъриф. Чунки маънавият инсон қалбининг эзгуликка йўғрилган энг покиза туйғуларидан вужудга келади. Эзгуликдан озиқланадиган қалб соҳибини эса енгиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам муаллиф одамлар, айниқса ёшларнинг мурғак қалби ва онгида маънавий бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик зарурлиги ҳақида қайғуради, бундай хатарнинг қандай оғир оқибатларга сабаб бўлиши ҳақида ҳар биримизни огоҳлантириб, бамисоли бонг уради.

Энг муҳими, китобда инсонни тушуниш, унга баҳо бериш бўйича ҳам янги қараш ва мезонлар асослаб берилади. Барчамиз яхши биламизки, собиқ совет тузуми даврида инсонга фақат ҳукмрон мафкура кўзи билан баҳо берилар, бу борада унинг маънавий интилиш ва фазилатлари эътибордан четда қолар эди. У даврнинг қаҳрамонлари асосан «гражданлар уруши қатнашчиши», «қизил командир», «қизил комиссар», «коллективлаштириш кампаниясининг иштирокчиши», «босмачиларга қарши курашган», «ишлаб чиқариш илфори», «машъал колхоз раиси», «зарбдор бригадир», «олтмиш центнерчи пахтакор»,

«Кизил майдондаги парадда қатнашган», «Савр инқилобини амалга оширишда қатнашган» деган сифатлар билан таърифланар эди. Гүёки бу одамларнинг инсоний фазилати йўқдек, фақат сиёсий кампаниялардаги хизматларига урғу бериларди.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида эса инсонга муносабатнинг бутунлай янгича, соф инсоний намунасини кўрамиз. Муаллиф ўзи ибрат қилиб келтирадиган инсонларни аввало ахлоқий поклиги, зарурат туғилган пайтда мустаҳкам иродасини намоён этгани, ҳар қандай қийин ва мураккаб дамларда ҳам ҳаётий эътиқодига содиқ қолгани, ўз халқи ва юртини ўйлаб яшагани, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий инсоний фазилатлари учун ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади, уларнинг маънавий жасорати олдида таъзим қилишни бурчи, деб билади.

Дарҳақиқат, дунёда ҳеч бир фазилат маънавий жасорат каби қудратли кучга эга эмас. Бир улуғ инсоннинг маънавий жасорати минг-минглаб одамлар, бутун-бутун авлодлар учун буюк мактаб бўлиб хизмат қиласиди. Муаллиф буни олис ва яқин тарихимизда ўтган не-не беназир алломалар, мумтоз зотларнинг ҳаёти мисолида исботлаб беради. Шахсан ўзи халқимиз орасида археолог олим Яҳё Фуломов, ҳассос шоира Зулфияхоним, атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов тимсолида ана шундай маънавий жасорат соҳибларини кўрганидан бениҳоя мута-

ассир бўлиб ёзади. Шу боис ҳам китобнинг «Энг буюк жасорат» деб номланган фасли бу асарнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этади, десак, янглишмаган бўламиз.

Сирасини айтганда, китобда инсон қалбини уйғотиш, унинг онгу тафаккурини фаол ҳаракатга чорлаш масаласи доимий эътиборда туради. Асадан «Инсон қалбига йўл» деб аталган бобнинг ўрин олиши ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат, фурур-ифтихор туйғулари қалби, юрагидан чуқур жой олган, иймон-эътиқоди ва дунёқараши шу асосда шаклланган инсонларни ҳеч қандай куч эзгулик йўлидан қайтаролмайди.

Маълумки, соғлом қалбда соғлом эътиқод, соглом онга эса соғлом дунёқараш шаклланади. Эътиқод, таъбир жоиз бўлса, қалбнинг маънавий системага айланиши бўлса, дунёқараш онгу тафаккурнинг маънавий системага айланишидир. Бу системаларни шакллантириш ва камол топтиришда, ҳеч шубҳасиз, «Инсон қалбига йўл» фаслида тилга олинган омиллар – таълим-тарбия, маданият, адабиёт ва санъатнинг таъсири бекиёс.

Мутафаккир боболаримиз айтганидек, дарҳақиқат, қалб инсоннинг бутун жисмини бошқарди. Қалб тоза бўлса – бутун вужуд тоза, қалб нопок бўлса – бутун вужуд нопокдир.

Эътибор берганмисиз, баъзан кўпгина сиёсатчи ва олимлар нуфузли халқаро минбарлар-

дан туриб, XX асрнинг ўрталарига бориб дунё миқёсида углеводород захиралари тугайди, энергетик танқислик бошланади, деб гүёки инсоният келажаги ҳақида қайғуради. Яна бир гурӯҳ эксперт ва сиёсатдонлар эса, ичимлик суви ресурслари тугаб бораётгани, ҳавонинг бузилаётгани ҳақида ўзича бонг ургандек бўлади. Лекин, афсуски, улар баҳариятнинг энг буюк бойлиги — маънавий-руҳий ресурсларига улкан хавф туғилаётгани, бу тенгсиз неъмат кундан-кунга ҳимояга муҳтоҷ бўлиб бораётгани ҳақида сўз юритмайди. Тасаввур қилинг, ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг эса ота-онага муҳаббати барҳам топадиган бўлса, оила, маҳалла, халқ ва ватан деган тушунчалар ўз қадрини йўқотса, бу ҳаётнинг маъноси қоладими? Энергетик захиралар қанчалик мўл бўлмасин, моддий фаровонлик нақадар юксалмасин, уларнинг ҳеч бири инсоннинг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган азалий қадриятларнинг ўрнини тўлдиrolмайди.

Шеърият мухлисларига яхши маълумки, мумтоз адабиётимизда Куёш кўпинча меҳр образи орқали ифодаланади. Бу бежиз эмас. Чунки Куёш дунёни ёритса, тириклик манбай бўлса, меҳр қалбни нурафшон этади, маънавият, эзгулик ва олижаноблик манбай бўлиб хизмат қиласи. Яъни, меҳрнинг қуввати, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти Куёшницидан асло кам эмас.

Шунинг учун ҳам агарда одамзот қалб шамчироги бўлмиш меҳрни асраб, юксак маънавиятни сақлаб, ақл ва тафаккур билан иш тутса, барча иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиши мумкин. Лекин унинг меҳр дарёси қуриб, маънавий ресурслари тугаб битса-чи? У ҳолда шимолий қутб кенгликларида, Ой ёки Марс сайёрасида топиладиган углеводород конларию сув захиралари ҳам уни ҳалокатдан асраб қололмайди. Шу боис муаллиф бизни инсоният учун зарур бўлган энг муҳим бойликлар ичида аввало маънавий бойликни асраб-авайлаб яшашга чорлайди. Бу – янги асрнинг нидоси, огоҳликка даъват, десак, хато бўлмайди.

Энг муҳими, теран фалсафий мазмунга эга бўлган ушбу асада маънавият инсон учун ҳамиша ҳал қилувчи куч бўлиб қолишига қатъий ишонч бор. Шунинг учун ҳам бу китоб шу пайтга қадар эзгуликни ёқлаб келаётганларнинг кучига куч, гайратига файрат қўшади. Бу йўлда иккиланиб турганларни эзгулик томонига ўтишга ва қолган умрини мазмунли ўtkазишга чақиради. Адашиб, нотўғри йўлларда юрганларни эса хушёр тортиради – барибир эзгулик,adolat ва маънавият фалаба қилишига ишонтиради. Бу китобнинг кучи ҳам, аҳамияти ҳам аввало ана шунда, деб ўйлаймиз.

**Азамат САИДОВ,**  
*журналист*

## **МУНДАРИЖА**

- Абдуғафур Расулов.* Глобал жараёнлар ва маънавият .....
- Муҳаммад Қуронов.* «Ўзбек мўъжизаси»нинг  
енгилмас кучи .....
- Маҳмуд Тоир.* Маънавият – қалб чироғи .....
- Нигора Умарова.* Халоскор куч ёхуд маънавий  
оламни асраш қайфуси .....
- Анвар Турсунов.* Ибрат китоби .....
- Қиёмиddин Назаров.* Биз кутган қитоб .....
- Абдураҳим Эркаев.* Ўзликни англашга даъват .....
- Ҳалим Саидов.* Ҳаёт дастури .....
- Олим Тошибоев.* «Оммавий маданият» таҳдиidi ва  
унга қарши курашиш зарурати .....
- Азамат Саидов.* Маънавият диалектикаси .....

## **МАЊНАВИЙ ЎОКСАЛИШ ЙЎЛИДА**

*Toшкент «Мањнавият» 2008*

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи *M. Қаршибоев*

Муҳаррирлар: *C. Аҳмедов, У. Қўчқоров*

Мусаввир *H. Попов*

Техн. муҳаррир *T. Золотилова*

Мусаҳҳиҳ *C. Абдусаматова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Теришга 26.06.2008 й. да берилди. Босишига 15.07.2008 й. да рухсат этилди.  
Бичими 84×108/<sub>12</sub>. Times гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли б. т. 7,56. Нашр т. 7,31. 50000 нусха. Буюртма №08-753.  
Нархи шартнома асосида.

«Мањнавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 25-08.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2008.

**M 34**

**Маънавий юксалиш йўлида:** (Тўплам)/ Тўпловчи М. Қаршибоев. – Т.: «Маънавият», 2008. – 144 б.

**ББК 66.3 (5Ў)  
ББК 87.7**

ISBN 978-9943-04-077-9



9 789943 040779

Manavijat